



# Ashonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

2010-yil 30-sentabr № 119 (2844) payshanba

## Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига

Мухтарам муаллим ва мураббийлар!

Кадрли устозлар! Авваломбор, сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

Бугун дунёдаги энг улуг ва шарафли касб эгаси бўлган азиз устозларга самимий тилакларимизни изҳор этар эканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Муаллим зоти эзгулик ва маърифат йўлининг беминнат чароғбонидир» деган ҳикматли сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади.

Бундай юксак ва ҳаққоний баҳолар фарзандларимизни жисмоний ва маънавий етук, баркамол инсонлар этиб ўстириш, вояга етказишдек эзгу ва масъулиятли ишни ўз зиммасига олган юртимиздаги минг-минглаб жонкуяр устоз ва мураббийлар, ҳурматли домлаларимиз шаънига муносиб эканини барчамиз бугун чуқур англаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, кўз нури ва қалб қўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, бир сўз билан айтганда, Ватанимизнинг эртанги кунининг пойдеворини яратётган сиз азизларнинг кундалик олижаноб меҳнатингиз олдида таъзим этсак арзийди, албатта.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги байрамнинг «Баркамол авлод йили» да, унинг юксак мақсад ва вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг тарзда кенг нишонланаётгани бу айёмга алоҳида кўтаринки руҳ бағишламоқда.

Азиз юртдошлар!

Биз мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай воз кечиб, янги таълим йилларга, миллий қадрият ва анъаналаримизга, илғор жаҳон тажрибасига асосланиб, ҳаётимизни тубдан янгилаш, узоқ ва давомли мақсадларимизни амалга ошириш учун таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратиб, бор куч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этмоқдамиз.

Моҳияти ва аҳамиятига кўра чиндан ҳам ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимни ривожлантириш дастури бугунги кунда ҳаёт синовидан ўтиб, ўз ҳосилини бераётгани, халқро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани барчамизга ҳақли равишда гуруҳ-ифтихор бағишлайди.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида — тарихан қисқа бир даврда эришган, шу жумладан, таълим ва маърифат соҳасида қўлга киритган ютуқ ва марралари ҳақида келтирилган маълумотлар йиғилганларда катта қизиқиш ва ҳавас уйғотди.

Энг муҳими, ана шу давр мобайнида чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилган улкан ишларимиз натижасида мамлакатимиз дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторида 12 йиллик мажбурий умумий ва ўрта махсус таълим тизимига ўтгани Ўзбекистонимиз эришган ютуқларнинг яққол тасдиғи сифатида қабул қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда кейинги ўн-ўн икки йил мобайнида 1 минг 394 та касб-хунар коллежи, 142 та академик лицей, 9 минг 772 та мактаб, ўнлаб олий ўқув юртлири янгитдан бунёд этилгани, реконструкция қилинган ва капитал таъмирланганининг ўзи тарихимизда илгари ҳеч кўрилмаган улкан ҳодисадир.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида махсус дастурлар бўйича 1 минг 200 та болалар спорт объекти барпо этилгани, 278 та мусиқа ва санъат мактабини янгитдан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётганини таъкидлаш лозим.

Айни вақтда ушбу масканларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, интернет тизими кенг жорий қилиш, ўқув-машгулот ва лаборатория хоналарини ташкил этиш, дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, малакали педагог ва мураббий кадрлар тайёрлаш учун қанча-қанча меҳнат, куч ва маблағ сарфлангани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳождати йўқ.

Яна бир муҳим томони — узоқни кўзлаб амалга ошираётган бундай ишларимиз нафақат шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини, балки бутун жамиятимиз, аввало, ёшларимизнинг дунёқарашини, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини ўзгартириб, мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришда мустаҳкам пойдевор бўлаётгани билан айниқса эътиборлидир.

Албатта, олдимизда турган эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида яратилган барча кенг имкониятлар эътироф этилаётган бир пайтда, биз энг аввало бунёд этилаётган шароитларга бамисоли жон ва куч бераётган, уларни ишга солаётган муаллим ва мураббийларнинг оғир ва масъулиятли меҳнатининг ўрни ва аҳамиятини чуқур англаб, уларни муносиб кадрлаш ва баҳолаш барчамизнинг доимий эътиборимиз марказида туришини яхши тушунамиз.

Айни шу мақсадда педагог ҳодимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш бўйича янги тизим жорий этиш, ўқитувчилик, мураббийлик, маърифат соҳасида жонкуярлик ва фидойилик кўрсатаётган инсонлар-

ни Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден-медаллари ва мукофотлари билан тақдирлаш масалаларини ўзимизнинг бурчимиз деб ҳисоблаймиз ва бундан кейин ҳам шундай бўлажак, иншоолло.

Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, диққатингизни яна бир масалага жалб этишни истардим. Расмий маълумотларга кўра, сўнгги йилларда педагогика йўналиши бўйича олий ўқув юртлирига ҳужжат топшираётган абитуриентлар сони энг юқори кўрсаткични, яъни 22,6 фоизни ташкил этмоқда.

Агарки, бу ниманинг далолати, деб сўраса, мен, бу биринчи навбатда мамлакатимизда ўқитувчилик чиндан ҳам шарафли касбга айланаётгани, ёшларимиз ўз ўрни, ўз бахтимни айнан шу касб орқали топаман, деб астойдил интилаётганининг далолатидир, деб айтган бўлардим.

Биз мамлакатимизни модернизация қилиш, ҳаётимизни янада эркинлаштириш ҳисобидан дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторига киришни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйган эканмиз, таълим-тарбия соҳасидаги ишларни асло бўшаширмасдан, янги ва юксак босқичга кўтаришни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Барчамизга аёнки, бугун ҳаёт шиддат билан ўзгариб, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун турли интилиш ва ҳаракатлар тобора кучайиб бормоқда.

Ана шундай мураккаб бир вазиятда миллий ўзлигини, кимнинг, қандай буюк зотларнинг вояси эканини, Ватан туйғусини чуқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавиятли ёш авлодгина бизга ёт ва бегона бўлган зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура олади.

Фарзандларимизни ана шундай эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашда менинг энг яқин маслакдошим, кўмакчим ва суянчим бўлган сиз, мухтарам муаллим ва мураббийлар ўзингизнинг билим ва тажрибангизни, куч-ғайрат ва маҳоратингизни аямайсиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларимга — юртимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийларга Ватанимизнинг бугунги равнақи, эртанги истиқболи йўлидаги масъулиятли меҳнатингиз учун халқимиз номидан, ўз номидан яна бир бор чуқур миннатдорлик изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Кадрли дўстлар! Барчангизни қутлуг байрамингиз билан самимий табриклаб, сизларга янги-янги ютуқлар, сиҳат-саломатлик ва бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, азиз устозлар!

**Ислом КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Фармони

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол гояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»**  
Астанов Бахшилло Тешаевич — Жондор туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ  
КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»**  
Норбугаева Рабия Юлдашевна — Қарши транспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

(Давоми 2-3-бетларда)

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни



## Доим эъзоз ва эътибордасиз, азиз устозлар!

**«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ёш авлодни ҳеч қандай кам бўлмаган, замонавий билим ва тажрибани эгаллашга қодир инсонлар этиб тарбиялаш, уларни жамиятимиз ҳаётининг ҳал қилувчи кучига айлан-тиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-3-бетларда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФармониЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН  
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН  
ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»  
ОРДЕНИ БИЛАНII ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»  
ОРДЕНИ БИЛАН

**Нормухамедова Гулчехра Нуримовна** — Тошкент шаҳридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Розумбетов Ибадулла Шарипович** — Тўрткўл туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Тошпулатова Гулнора Абдирасуловна** — Нуробод туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ  
КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

**Ахадова Дилбархон Абдумаликовна** — Наманган туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Бегимкулова Ханифа Кулниязовна** — Қумқўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Гаппарова Зульфия** — Сардоба туманидаги Бўстон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти

**Каримов Юлдош Халилович** — Бахмал туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Курбанов Марат Галиевич** — Яккама-якка кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бокс бўйича катта мураббийи, Бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи

**Мансуров Тайирхон Темирович** — Чиноз туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Менглиева Гулчехра Маҳмудовна** — Навоий давлат кончилик институти қошидаги 2-академик лицейи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Навоий вилояти

**Милладжанова Хосият Мадаминовна** — Марғилон миллий хунармандчилик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Нишанов Мадаминжон** — Пахтаобод қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Хусаинова Зухра Маткаримовна** — Урганч шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

**Наризова Иба Кушжановна** — Конимех туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг директори, Навоий вилояти

**Сафаров Уриш Нишоневич** — Оққўрғон туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Султанова Сунажан Матякубовна** — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали қошидаги 1-академик лицейининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Алимов Ғайрат Маъсудович** — Нурота қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Бобоназарова Халима** — Нарпай туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Ганиев Исламкул Тўйчиевич** — В.Успенский номидаги Республика мусиқа академик лицейининг ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Камалова Паршагуль Даулетмуратовна** — Нукус давлат педагогика институти қошидаги 1-академик лицейининг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Киямова Зульфия Султановна** — Қарши шаҳридаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Мавланова Хафиза Шариповна** — Сирдарё туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Мамадалиев Исомиддин Имомалиевич** — Янгиқўрғон туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Мамуров Эргаш Джуманович** — Жиззах олимпия захиралари коллежининг белбоғли кураш бўйича мураббийи, Жиззах вилояти

**Матмуратов Ихтиёр Курбанбаевич** — Шовот туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Петрова Раиса Олеговна** — Олмалиқ кончилик касб-хунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Рахманова Раънохон Мухтаровна** — Олтинсой туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Рахматов Яраш Гадоевич** — Ғиждувон туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Холиқова Одинахон Носировна** — Қува туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Халимов Тўра** — Бухоро давлат университети қошидаги 4-академик лицейининг тарих фани ўқитувчиси

**Баратова Мурават Рахимовна** — Бекобод тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Бобоева Нодира Маҳмудовна** — Чироқчи туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Тураев Фарход Рустамович** — Яккама-якка кураш бўйича Республика Олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўйича мураббийи, Тошкент шаҳри

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Алиева Шарофатхон Абдужалиловна** — Хўжаобод туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Вишневская Лариса Георгиевна** — Собир Раҳимов туманидаги 242-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Жалилова Мухаббат Мухаммадовна** — Қизилтепа туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Ким Леонид Юнсеневич** — Юқоричирчиқ туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг оғир атлетика бўйича мураббийи, Тошкент вилояти

**Мардонова Дилшода Рамазоновна** — Когон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Бухоро вилояти

**Назирова Раъно Содировна** — Ёзёвон туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Насирова Кунсулу Асаматдиновна** — Мўйноқ туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Небиев Решат Бедрединевич** — Сирдарё туманидаги Малик агросаноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Рахманова Муяссар Гулимовна** — Гурлан туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Родионов Георгий Васильевич** — Самарқанд ахборот-коммуникация технологиялари ва саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Рустамов Абдурахмон Нематович** — Жиззах туманидаги Учтепа қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Тураева Менгнор Хасановна** — Ғуздор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Шокирова Саодат Иргашевна** — Тўрақўрғон туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Эшназарова Хурсанд Кайюмовна** — Узун туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундай масъулиятли ва шарафли ва-зифаларни амалга оширишда жонкуяр педагоглар, ғамхўр мураббийларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Юртимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни кенг нишонланмоқда.

29 сентябр куни Тошкентдаги «Туркистон» саройида ушбу байрам муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларининг илғор ўқитувчилари, жонкуяр мураббийлар, бўлғуси муаллимлар — талаба-ёшлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари тақлиф этилди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Истиқлол йилларида юртимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар билан атрофлича танишиш, фаол, фидойи, изланувчан ва ташаббускор ўқитувчиларнинг меҳнат фаолияти, ижо-

## Доим эъзоз ва эътибордасиз,



бий иш тажрибасини таҳлил этиш мақсадида тадбир қатнашчилари Тошкент шаҳридаги кўплаб олий, ўрта махсус, умумий ўрта таълим даргоҳлари, болалар мусиқа

ва санъат мактаблари, бадий ижодиёт марказлари, маънавият ва маърифат марказлари, ахборот-ресурс марказларида, музей ва театрларда бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Президентимизнинг 2010 йил 29 сентябрдаги фармонида мувофиқ Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юрға муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил жорий этилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун,

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдиева Рўзихол Якубовна** — Олот туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Абдикамалова Хурлиман Абдиразаховна** — Нукус педагогика коллежининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Абдуллаев Мухтор Саъдуллаевич** — Янгиариқ туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Аннакулова Назокат Эшалиевна** — Термиз шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Ахмадалиева Саида Абдулхамидовна** — Наманган шаҳридаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

**Ахтаев Фарход Умирзакович** — Пахтакор туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Бекмуратова Арзаим Даулетмуратовна** — Тахياتош шаҳридаги 8-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бойматов Султон Курашевич** — Арнасой туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Болтаева Гулсина Файзуллаевна** — Зафаробод туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Ботиров Шавкат Жонибекович** — Кўшкўпир туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Вахобов Ахмаджон** — Бўз туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Ёрматов Илхомжон Ибрагимович** — Данғара транспорт касб-хунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Фарғона вилояти

**Ибрагимова Ойдин Абдурахимовна** — Мирзо Улугбек туманидаги 525-мактабгача таълим муассасаси логопеди, Тошкент шаҳри

**Избосаров Абдухошим Абдурашидович** — Бешариқ туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Исмаилова Дильбар Мурахмедовна** — Ҳамза маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Каипназаров Клишбай Каржаевич** — Нукус туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Каюмова Махмудахон** — Наманган шаҳридаги Давлатобод энгил саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Кулманова Улжан Туйчиевна** — Пахтачи туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Кушаев Рахимжан Балтабаевич** — Амурдарё туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Мирзаев Обиджон Мўминович** — Ўзбекистон туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Мирзаева Угиллой Хакимовна** — Ховос туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Мирзаева Фароғат Журақобилловна** — Қарши давлат университети қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Мирмахсудова Мавлуда Буриевна** — Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти қошидаги Миробод академик лицейининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Набиева Парида Расулматовна** — Ангрен шаҳар кимё саноати касб-хунар коллежининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Раматуллаева Оразгул Салиевна** — Тахياتош ижтимоий-иқтисодий ва педагогика касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Расулов Абдусалим Шаймарданович** — Шеробод туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Расулова Максад Пармановна** — Қамаш туманидаги 4-меҳрибонлик уйининг тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

**Рафиева Дилфуза Турсуновна** — Гиждувон қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Рахманова Иноят Мухтаровна** — Олтинсой маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Сабуров Мақсудбек Жуманиязович** — Хива қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Сайилов Бегдулла Ташанович** — Хатирчи туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг мусика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Сапаров Мамадиёр Ражабович** — Оқдарё маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Самарқанд вилояти

**Сулайманов Абдулхафиз Рузиматович** — Избоскан туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Ташанов Раббим Уролбоевич** — Булунғур туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг юнон-рум кураши бўйича бош мураббийи, Самарқанд вилояти

**Темирбаева Муккарам Калбаевна** — Ўртачирчиқ туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабининг қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Усманов Қодиржон Асқарович** — Чортоқ туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Файзиев Тохирбой Жаҳпарович** — Паркент туманидаги 29-болалар мусика ва санъат мактабининг ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Фаттахов Мирзахмад Азизович** — Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти қошидаги академик лицейининг физика фани ўқитувчиси

**Ҳакимова Хавасхон Маматкаримовна** — Кува-сой саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Халилова Мамлакат Камоловна** — Бухоро туризм касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Ҳамракулова Махабатхон Абдураимовна** — Бўз педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Хужакулова Гулбиби Раббанаевна** — Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Хусанова Раъно Абдуллаевна** — Поп қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Шарипова Мохира Ахматовна** — Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-хунар коллежининг кимё-биология фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Шодмонова Дилором Бахромовна** — Қарши туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Шукурова Муборак Сайтқосимовна** — Марҳамат туманидаги ўқувчиларнинг «Биоэкосан» маркази директори, Андижон вилояти

**Шукурова Курбаной Абдуразаковна** — Сардоба туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Эгамбердиева Малохат Носировна** — Жомбой туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Эсанов Элмурод Холикулович** — Миришкор туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Якубов Махмадрахим Сариевич** — Узун маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Ғаниев Шерали Ҳороқович** — Оқдарё туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Ҳакимова Танзила Нориевна** — Кармана туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

### Ўзбекистон Республикаси

### Президенти

### И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2010 йил 29 сентябр

## азиз устозлар!

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона тизимни шакллантириш, ўқитишни сифат ва мазмун жиҳатдан янги, янада юксак поғонага олиб чиқиш, ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим билан бир қаторда аниқ касбни эгаллашига яқиндан кўмаклашига хизмат қилмоқда. Соҳада олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, жаҳон андозалари даражасидаги таълим муассасаларини барпо этиш, уларни энг замонавий ўқув-услубий жиҳозлар, компютер техникаси билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги эзгу ишларда таълим муассасаларини малакали ўқитувчилар билан таъминлаш, педагог кадрлар таркиби сифатини янада ошириш, соҳа учун юксак билим ва ижодий интеллектуал салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш,

лаш ва кадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, улар учун муносиб меҳнат шароитини яратишга оид ибратли саъй-ҳаракатлар педагогларни янада фидойи бўлишга, ўз устида изланишга, ишга ижодий ёндашишга даъват этмоқда.

Баркамол авлод йили деб эълон қилинган — 2010 йилда барча ўқув муассасаларининг моддий-техник базасининг сақланиши ва улардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган механизмни яратиш, давлат таълим стандартлари ва улар асосида ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш, ўқувчилар билимини баҳолашнинг мукамал услубини яратиш, педагогларнинг ўқув иш юкларини

белгилаш ва тақсимлаш тартибининг сезиларли тарзда энгиллаштириш юзасидан улкан ишлар бажарилди.

Таълим соҳасидаги кенг кўламли ислохотлар баркамол авлодни вояга етказиш, уларни жаҳонга тўқиб чиқариш ва суянчига айлантиришда ўз самарадорлигини намойён этмоқда, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 53-мактаб-интернат директори Камолиддин Ғопиров. — Ўқитувчилик касби улуғланиб, биз — педагогларга чексиз меҳр ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бундай эзгу ишлар соҳа ходимларидан ўқув тизимининг сифатини янада кўтариш, ўғил-қизларни пухта таълим олиши билан бирга уларнинг маънавиятини юксалтиришга, яратилаётган имкониятлардан унумли ва оқилона фойдаланишга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2010 йилда ўтказилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши педагоги» республика кўрик-танловлари ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 15-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Феруза Эркулова, Ўзбекистон халқ артисти

ти Ёқуб Аҳмедов, Республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Раҳматилла Шералиев таълим-тарбия, маънавий ва маърифат соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ёшларни Ватанимизга, буюк аجدодларимизга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётганини таъкидладилар. Ўқитувчилик касбини эъзозлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, муносиб меҳнат шароитини яратиш юзасидан кўрсатилган улкан эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

«Туркистон» саройи фойёсида дарсликлар, ўқув қўлланмалари, электрон адабиётлар, болалар бадий ижодиёти намуналаридан иборат кўргазма ташкил этилди.

Тантанали йиғилиш сўнггида катта байрам концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Назокат УСМОҶОВА,  
ЎЗА мухбири


## Муносабат



Президентимиз Ислам Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқини мен ҳам катта эътибор ва ҳаяжон билан ўқидим.

Юртбошимиз нутқида инсоннинг тинч ва осуда ҳаёт кечириши, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаши, ўсиб келаётган ёш авлод камолоти, унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор долзарб масалалар кўтарилгани мени оддий аёл, она, шифокор, шу юртнинг фуқароси сифатида ҳаяжонга солди, ўйга толдирди.

# Инсон манфаати доим устувор



Давлатимиз раҳбарининг нутқида сайёрамизнинг турли минтақаларида истиқомат қилаётган, бошидан кўплаб таҳдидли кунларни ўтказаётган халқларнинг ҳаёти ва келажаги дахлдор, ечимини кутаётган муаммоларни оқилона ҳал этиш борасида янги таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Айниқса, минтақамизда бугун кечаётган жараёнлар, хавфсизлик ва экология муаммолари, узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган Афғонистон моҳорасини ҳал этишга оид амалий таклиф ва тавсиялар жаҳон жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кутиб олингани қалбимда фахр-ифтихор туйғусини жўш урдирди.

Нутқда мамлакатимизнинг мустакиллик йилларида давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт каби соҳаларда эришган ютуқлари жонажон Ватанимизнинг ҳар томонлама ривожланиши ва юксалиши, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлаётгани таъкидланади. Дарҳақиқат, қисқа фурсат ичида қўлга киритилган асрларга татигулик ютуқларимиз, улкан марраларни эгаллаш борасидаги орзу-интилишларимиз, эзгу саъй-ҳаракатларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Президентимиз нутқининг ижтимоий соҳа, айниқса, соғлиқни сақлашга оид қисмини шифокор сифатида катта қизиқиш билан, қайта-қайта ўқидим. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар халқимиз, хусусан, оналар ва болалар са-

ломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг алоҳида ёрдамга муҳтож қатламлари — ёши улғу кишилар, ижтимоий-тиббий кўмакка муҳтожлар, фарзанд кўриш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар, гўдаклар соғлигини муҳофаза қилиш, уларга сифатли ва юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини яна кенгайтиришда муҳим ўрин тутди. Айни пайтда жаҳон андозалари даражасидаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, замонавий даволаш-ташхис муассасалари, шифохоналар, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларини барпо этиш, уларни замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар, дори-дармон билан таъминлаш, даволашда энг илғор ва самарали усулларни амалиётда қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда аҳолининг тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлангани ҳаёт фаровонлигининг тобора ортиб бораётганида асосий омиллардан бири бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох этиш ва янада ривожлантиришга оид эзгу чора-тадбирлар, ўта оғир ва хавфли оқумли хасталикларга барҳам бериш ўз самараларини бермоқда. Буларнинг барчаси юртимизда оналар ва болалар ўлимнинг 2-3 баробар камайишида, аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи 73 ёшга, аёлларнинг ўртача умри 75 ёшга етишида, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокининг янада фоллашишида муҳим омил бўлди. Бундай муваффақиятлар замирида юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилаётгани, айниқса, халқимиз саломатлигига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганлигига доир эзгу саъй-ҳаракатлар мужассамдир.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар оилавий поликлиника, қишлоқ врачлик пункти иختисослаштирилган тиббиёт муассасалари фаолиятида, мазкур йўналишдаги ўрта махсус, олий таълим даргоҳлари, илмий марказлар фаолиятида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Буни бизнинг оилавий поликлиникамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. 2006 йилда янгидан бунёд этилган замонавий поликлиникамизда касалликларни ўз вақтида даволаш, ташхис қўйиш, профилактика чора-тадбирларини кўриш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Ҳозир шифо масканимиз 32 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Барча даволаш муассасаларида бўлгани каби бизнинг поликлиникамизда ҳам жорий этилган умумий амалиёт шифокори оиладаги ҳар бир фуқаронинг тиббий ҳолатини, уларда учраши мумкин бўлган хасталикларнинг олдини олишда жуда қўл келмоқда. Поликлиникамизда фарзанд кўриш ёшидаги 9 мингдан ортик аёлни тиббий қўриқдан ўтказиш, уларга зарур маслаҳатлар бериш, ташхис ва даволашга оид амалий чора-тадбирларни қўллаш соғлом ўғил-қизларнинг дунёга келишига хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, тиббий имконияти чекланган, ёлғиз кишиларни соғломлаштириш, уларни диспансер кўригидан ўтказиш, болаларни турли инфекцияларга қарши эмлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга оид чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси ҳар бир фуқаронинг соғлом бўлиши, узоқ ва сермазмун ҳаёт кечиришида муҳим аҳамият касб этади.

Президентимизнинг энг нуфузли халқаро ташкилот минбаридан сўзлаган тарихий нутқи ҳар бир ўзбекистонлик каби мени ҳам Ватанимиз равиюни, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи юксалиши, мустакиллигимизни янада мустаҳкамлаш учун астойдил меҳнат қилишга, бугунги ёруғ ва дорилмон кунларнинг қадрига етишдаги масъулиятни астойдил ҳис этишга, тинч ва осуда, фаровон ҳаётимизни кўз қорачиғидек асрашга ундайди.

**Мунира ШОҲОБОВА,**  
Тошкент шаҳар,  
Учтепа туманидаги  
23-оилавий поликлиника  
бош шифокори,  
«Меҳнат шухрати»  
ордени соҳибаси

## Янги кун янгиликлари

Гулистон шаҳрининг «Фарход» маҳалласи ҳудудида «Сайхун» савдо мажмуаси фаолият бошлади. Янги мажмуада 409 та иншоот мавжуд бўлиб, унинг асосий қисмини дўконлар ташкил этади.

## Қулайлик

Уларда саноат, кийим-кечак, озиқ-овқат ва кенг турдаги халқ истеъмоли моллари савдоси йўлга қўйилади. Маж-

муадан 400 ўринли ошхона, чойхона ва гўштни қайта ишлаш цехи ҳам ўрин олган.

**Анорбой НОРҚУЛОВ**

Бирлашган араб амирликларининг «Бейл Дженерал Трейдинг» компанияси ва «Сингапур-Самарқанд» хорижий корхонаси ҳамкорлигида пиллачиликни ривожлантиришга 3,2 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилди.

## Дадил одим

Натижада, Марғилон шаҳридаги Ипакчилар шаҳарчаси «Марғилон эксскреп» масъулияти чекланган жамиятида филиал ташкил этилди.

Янги корхона замонавий технология билан жиҳозлангани маҳсулот сифати ва унуми ошишига хизмат қилмоқда. Ҳозирда бу ерда 6 та пилла чувиш дастгоҳи ўрнатилмоқда, ишга туширилди. Ушбу дастгоҳлар йилига 400-450 тонна пиллани қайта ишлаб, 120-130 тонна табиий ипак маҳсулотини хорижга экспорт қилиш имконига эга.

Корхонада йилига 2-2,5 минг доллар миқдорида маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган. Шу мақсадда корхонанинг 100 кишилик жамоаси самарали меҳнат қилмоқда.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

Президентимизнинг 2005 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида асосан ширкат хўжаликлари ҳам фермер хўжаликларига айлантирилди.

## Касаба уюшмалари тузилмоқда

Тошкент вилоятида ушбу қарорни ҳаётга татбиқ этиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 150 дан зиёд ширкат хўжаликлари фермерлар ихтиёрига берилди. Шароитдан келиб чиққан ҳолда, янги ташкил этилган фермер хўжаликларини касаба уюшмасига жалб этиш борасида фаол иш олиб борилмоқда.

Вилоят ва туман кенгашла-

**Ўз мухбиримиз**

Жиззах шаҳрида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

## Меҳнат ярмаркаси

Вилоят ҳокимлиги, прокуратураси ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ташкил этган тадбирда тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари 3 мингта бўш иш ўрни билан қатнашди.

— Ихтисослигим бўйича кичик корхоналардан бирига юристликка йўлланма олдим, — дейди зоминлик Зафар Суёнов. — Бундай ярмаркалар ёшларнинг ишга жойлашишига кўмак бераётганидан мамнунман.

Шу куни 160 нафар ёш мутахассисга молия муассасаларининг сертификати ҳам топширилди.

— Ушбу молиявий кўмак ёрдамида кичик бизнесни йўлга қўймоқчиман, — дейди ёш мутахассис Жамила Аликулова. — Шунда ўн нафар қиз ишли бўлади.

Меҳнат ярмаркасида 1300 нафар ёш доимий иш ўринларига йўлланма олди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**  
«Ishonch» мухбири

— Носирхон Асқарович, эртага Ўқитувчи ва мураббийлар куни. Ун тўрт йилдирки, мамлакатимизда 1 октябр умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Бирор-бир касб эгаси йўқки, устоз тарбиясиз камолга етган бўлсин. Ўз сафида 2 млн. 218 мингдан ортиқ маърифат аҳли ва бўлажак педагог кадрларни бирлаштир-

муаммоларни биргаликда ҳал этиш ва галдаги вазифалар ҳақида фикрлашиб олинди. Ана шундай мулоқотлар самараси ўлароқ тизимда амалга оширилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар ҳал этилди.

Касаба уюшма ташкилотлари Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлаш, айрим тоифалар учун берилган имтиёз ва кафолатларга тўла

ган таътиллари куни узайтирилди, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 12684 та оиланинг фарзандлари учун ўқув куроллари, дарсликларни харид қилиш харажатлари қопланди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурига биноан 2010-2011 ўқув йилида Марказий кенгаш ҳисобидан республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 46 нафар чин етим талабанинг контракт пул-

умумтаълим мактабларига моддий ёрдам бериш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ва Марказий кенгаш ҳамкорлигида 2010 йилнинг 22-28 март кунлари «Бўстон» санаторийсида ўқув-семинарлар ташкиллаштирилди, унда республика умумтаълим мактабларининг 160 нафар тажрибали фан ўқитувчиси қатнашди ҳамда бир ҳафта давомида санаторийда соғломлаштирилди.

да ўн минглаб кўп болали, кам таъминланган оила фарзандлари, талабалар ва ўқувчи-ёшларни тарихий шаҳарлар, қадимий қадамжоларга зиёратлари уюштирилди.

— Тармоқ ходимларининг дам олиши ва саломатлигини тиклаш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Айни кунда тармоқ касаба уюшмасининг таркибига Қорақалпоғистон республикаси, ви-

# «Ўқитувчи жамиятга ҳам муаллимдир...»

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Носирхон АКБАРОВ билан суҳбат

ган тармоқ Марказий кенгаши раиси сифатида касб байрами арафасида кўнглингиздан қандай ўйлар кечмоқда?

— Устоз отадек улуғ зот деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Истиқлол шарофати, муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан ўқитувчи ва мураббийлар номи шарафга бурканди. 1 октябрнинг умумхалқ байрами сифатида нишонланаётгани, маърифат аҳли давлатимизнинг фахрий унвонлари, юксак орден ва медаллари билан тақдирланаётгани фикримиз исботидир. Зиёлилар давлат ва жамият қурилишининг олдинги сафида бориб, сенатор, Олий Мажлис депутати сифатида қонунлар қабул қилишда фаол иштирок этаётир. Бу эса кадрлар тайёрлашнинг сифат кўрсаткичини бекиёс даражада оширди. Ўзбекистон таълим соҳасида манамен деган давлатлар билан тенглашди, ҳатто баъзи томонлари билан ўзиб кетди.

Биргина халқ таълими соҳасида ўтган беш йилда Директор жамғармасига 360,5 млрд. сўм маблағ ажратилди. Ўтган йили педагог ходимларнинг қарийб 44 фоизи жамғарманинг устама, мукофот ва моддий ёрдамидан баҳраманд бўлди.

Баркамол авлод йилида бу борадаги ишлар кўлами янада ортди. Хайрли юмушлардан тармоқ касаба уюшма ташкилотлари бир зум четда қолаётгани йўқ.

— Марказий кенгашнинг IV қурултойида ўтган беш йиллик фаолият муҳокама қилиниб, касаба уюшма аъзолари манфаатларига тааллуқли ижтимоий муаммоларга баҳо берилди, амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. Айтингчи, тармоқ ходимлари бугун ўзлари ишончи аъзо бўлган нуфузли ташкилотдан қандай манфаат кўришмоқда?

— Бугун оммавий ташкилотимиз ҳар ҳақатдан, меҳнат-кашларнинг ҳақиқий суяничи ва ишончли ҳимоячисига айланди, деб айта оламиз. Ҳар бир аъзо касаба уюшмаси гамхўрлигини ҳис қилиб, имтиёزلардан баҳраманд бўлаётгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Қурултой олдида Олий ва ўрта махсус таълим вазири Баҳодир Ҳодиев, Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари, Республика ўрта махсус, касб хунар таълими маркази директори Шавкат Жавлонов, Халқ таълими вазири ўринбосари Бахтиёр Дониёров ўзларига қарашли тизимда фаолият юритаётган делегатларни қабул қилиб, дилдан суҳбатлашишди. Вакилларнинг саволларига атрофлича жавоб берилиб,

Термиз шаҳар 12-Меҳрибонлик уйи негиздаги умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Бибихол Каримова илгор педагогик фаолияти билан ҳамкасбларига ибрат бўлаётир.

Фарҳод Абдурасулов (ЎЗА) олган сурат.

амал қилиш, кўшимча имтиёз яратиш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларининг бажарилишини назорат қилади. Тармоқ Марказий кенгаши ижтимоий шериклари — Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, шунингдек, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан тармоқ келишувлари имзолаб келмоқда. Келишувларда таълим тизимини тубдан яхшилаш, замонавий ўқув технологияларини жорий этиш, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, соғлом авлодни тарбиялаш ҳамда таълим тизимига тааллуқли Давлат дастурларининг бажарилиши бўйича ҳамкорликда самарали фаолият олиб бориш кўзда тутилган. Бундан ташқари, 26 та вилоят миқёсида, 201 та туман ва шаҳар миқёсидаги жамоа келишувлари, бошланғич ташкилотларда эса жамоа шартномалари тузилган.

Ҳар йили Давлат дастурлари асосида жамоа келишуви ва жамоа шартномаларига кўшимчалар киритиб келинмоқда. Бу борада сўнгги беш йилда жамоа шартномалари орқали кам таъминланган оила вакилларига касаба уюшмаси ҳисобидан 719 млн. сўмдан ортиқ, яқка-ёлғизларга эса 37 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тасаруфидидаги ташкилотлар ҳисобидан жорий йилнинг саккиз ойида 11020 та кам таъминланган ёш оилага, 1154 нафар ёш онага моддий ёрдам берилди. 327 нафар аёлнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланади-

лари тўлаб берилди. Шу билан бирга 86 нафар олий таълим муассасаларининг кам таъминланган, иқтидорли, жамоатчи талабаларига Марказий кенгашнинг устама стипендиялари таъсис этилди. Худудий кенгашлар томонидан ҳам устама стипендиялар таъсис этилиб, талаба-ўқувчиларга мунтазам бериб борилмоқда.

— Ўқитувчи деган шарафли номни оқлаш, ўз-ўзидан тушунарлики, тинимсиз изланишда бўлишни тақозо этади?

— Бугунги ўқитувчи ўз иқтидори, билими, дунёқараши, ҳаёт тарзи, муомаласи, кийиниши, атрофдагиларга муносабатидан ташқари халқаро миқёсда билимга эга бўлиши, хорижлик ҳамкасблари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши, интернет имкониятларидан фойдаланиши билан ҳам шоғирдлари назарида бўлади. Бундан ташқари, ўқитувчи нафақат ўз фани, балки ўқувчиларни қизиқтирадиган бошқа соҳаларни, масалан, спорт, муסיқа, интернет хабарларини ҳам яхши тушуниши, керак пайтда улар билан баҳслаша олиши зарур.

Қолаверса, умумтаълим мактабларида ўқитиладиган фанлар орасидаги узвийлик ва узлуксизлик таълим сифати ҳамда мазмунини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Ўқув дастурлари ҳамда дарсликларда узвийлик ва узлуксизликнинг таъминлиниши ўқувчиларнинг мавзуларни осон, тез ва сифатли ўзлаштиришларига кўмак беради. Бу ҳол улардаги билим, кўникма ва малакаларнинг тақомиллашиб боришига хизмат қилади. Бу борада республика

— Эртасини ўйлаган халқ, авлод, ўсиб келаётган ёш авлод камоли учун гамхўрлик қилади. Баркамол авлод йили муносабати билан юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эзгу ишда касаба уюшмалари қандай ҳисса кўшмоқда?

— Жамиятнинг маънавият даражасини ёш иқтидорли кадрлар белгилайди. Бугунги кунда юртимизда 30 ёшгача бўлганлар 17 млн., 18 ёшгача бўлганлар эса 10 млн.ни ташкил этади. Мамлакатимиз сиёсатида уйғун БМТ томонидан 2010 йил 12 августдан кейинги йилнинг шу санасигача «Халқаро ёшлар йили: ўзаро мулоқот ва бир-бирини тушуниш» мақоми берилди. Шу муносабат билан тармоқда ҳукуматимиз қабул қилган дастур асосида ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг таълим-тарбияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари янада кучайтирилмоқда. Бу каби хайрли ишлар қаторида таълим ва тарбия тизимини бутунлай янги боққичга кўтариш диққат марказимизда. Бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадигани илгор ютуқлар билан нафақат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юр்தларини, балки оилаларни ҳам қамраб олишга ҳаракат бошлангани айни муддаодир. Ушбу мақсадларни амалга оширишда таълим муассасалари талабалар ва ўқувчи-ёшлар турар жойларидаги 13 мингга яқин маънавий хоналари, 12 мингдан ортиқ ахборот ресурс марказлари ва кутубхоналар ёшлар маънавий дунёсининг ўшишига хизмат қилмоқда. Касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан сўнгги йиллар-


лоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари, ЎзРФА ва 200 та туман, шаҳар, 14 та ўрта махсус, касб-хунар таълими бирлашган касаба уюшма кўмиталари, 14 мингга яқин бошланғич ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Аъзоларимиз орасида 14 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 184 нафар халқ ўқитувчиси, 279 нафар хизмат кўрсатган ўқитувчи, 134 нафар хизмат кўрсатган маданият ходими, 152 нафар академик, 1636 нафар фан доктори, 7400 нафар фан номзоди бор. Олий таълим муассасаларида 18 229 профессор-ўқитувчи, ўрта махсус, касб-хунар таълимида 68753 нафар, халқ таълимида 909 мингдан зиёд педагог-ҳодимлар меҳнат қилишади. Бошланғич ташкилотларда қабул қилинган жамоа шартномалари орқали 1 миллион 62 минг 927 нафар ишловчи ходимнинг ҳимоя қилиниши назарда тутилган.

Етуқ шахсни тарбиялашда бу фидойи зотларнинг ўрни бекиёс. Ҳар бирининг ўзига яраша орзу-умиди, ғам-ташвиши, рўзғори, бола-чақаси бор. Вақтида дам олиб, яхши шароитда ишламаса, саломатлигига путур етиши тайин. Яхши ишлаши учун у ҳам касаба уюшмасининг маънавий ва руҳий мададига эҳтиёж сезади. Оиласи, болаларидан кўнгли тўқ зиёлигина бутун меҳрини миллат болалари камолотига бағишлайди. Шунинг асосида олиб илмий ва педагог ходимлар саломатлигини тиклашга асосий эътиборни қаратдик. Сўнгги беш йилда 36 минг 680 нафар ходим санаторий ва дам олиш уйлари, 29 минг 410 ходим эса санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилгани бу борадаги ишимиз нақадар кенг кўламли касб этишидан дарак беради. Қолаверса, Марказий кенгаш ташаббуси билан ўтган турли спартакиадаларда 910 нафар илмий ва педагогик ходим «Бўстон» санаторийсида дам олиб, соғлигини тиклади. Бунга 60 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди. Тармоқ ходимларининг 255 минг 231 нафар фарзандлари ёз мавсумида шаҳардан ташқари ва мактаблар қошидаги оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Касаба уюшма ташкилотлари ташаббуси ва бевосита ҳомийлигида Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан барча олий ўқув юр்தлари, касб-хунар коллежи, академик лицей ва мактабларда турли тадбирлар, учрашувлар, байрам тантаналари ўтказилмоқда. Уларда соҳа ходимлари шарафлиниб, меҳнатлари муносиб баҳоланмоқда. Бу эса улар ҳаётида ёрқин из қолдириб, меҳридарё устоз-муаллимлар кучига-куч қўшади, албатта.

Суҳбатдош:  
Амина ҚОДИРОВА

# Меҳр нури ёғар доим



Ўнинчи синфда ўқирдик. Ўша кун беш-олти синфдош бир соат бўш қолганимиздан фойдаланиб, Игначи маҳалласида яшовчи дўстимизнинг уйига бордик. Собир жўрамизникида чой ичгандан сўнг чиллакка берилиб кетибмиз. Аранг сўнги дарсга етиб келдик. Кимё ўқитувчимиз кечикиб келганимиз учун директор хонасига етаклади.

## Сафар домланинг фалсафаси

Тамаки дуди деворларигача сингиб кетган муъжазгина хона тўрида ўтирган директор бизни куриб:

— Қани, булар нима гуноҳ қилишди, битирувчи синф ўқувчилари-я? — деб ўрнидан турди.

Ўткир нигоҳли фронтвик директордан нафақат биз, балки ўқитувчилар ҳам чўчиб туришини яхши билардик. Аслида, Сафар домланинг бировга ёмонлиги йўқ, ўтган кунига шукрона қиладиган инсон эди. Бирон ҳаракатидан манфаат изламас, ҳатто адолатпарварлиги туфайли ҳақиқатни катта-ю кичикка рўй-рост айтиб, панд еган вақтлари ҳам бўларди. Мана шу ростгўйлиги бошқаларнинг ҳасад аралаш ундан тортинишига сабаб бўларди.

Домла ҳаммамизни бир-бир синчков нигоҳдан ўтказди. Унинг назари менга келганда бир муддат қотиб қолди:

— Мактабимизнинг аълочи ўқувчисан, нима қилиб юрибсан?

Тўғриси тани олишга мажбур бўлдим:

— Чиллакка қизиқиб қолибмиз.

— Ростданам чиллак ўйнадингизларми, ким ютди?

Домланинг овозида соғинчми, нимадир содир бўлиб, қаҳри бўшади:

— Майли, боринглар, лекин муаллимларингизни ранжитманглар.

Елкамиздан оғир юк ағдарилгандай енгил нафас олиб, директорнинг хонасидан чиқдик...

...Олийгоҳни тамомлаб, йўлланма билан алифбони таниган мактабимга ишга келганимда, Сафар домла қисқа танаффусдан сўнг тагин жамоани бошқараётган эканлар:

— Вақтнинг ўтганини қара, кечагина бола эдинг, бугун биз қатори ўқитувчи бўлиб турибсан. Лекин танлаган касбинг жуда машаққатли эканлигини унутма, билсанг, ўқитувчи даққа санаб

ишлайди, танга санаб ҳақ олади. Бу бойиб ҳам кетмайсан, очдан ҳам ўлмайсан, дегани.

Домланинг оҳангидан бир нарсани сездим, у ҳам бўлса мактабга келганимдан қониқиш ҳисси:

— Албатта, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан.

У пайтлар сентябрнинг биринчи санасида ўқиш бошланар, иккинчи ёки учинчисида юқори синфлар пахта йиғим-теримига жалб этиларди. Қишлоғимиздан пахта далаларигача камида 70-80 қақирим масофа эди.

Ўша йили йиғим-терим мавсуми анча чўзилиб кетди. Сафар домла бир кун шийпонда кўриши берса, ўн кун биздан хабар олмай қўйди:

— Ҳамма чарчаган, болаларнинг юзига қарашдан уяламан, уйдан олисда яшаётганларига роппа-роса уч ойдан ошди, — деди бир кун домла мени ўзига яқин олиб.

— Кўпга келган тўй-да. Сизнинг айбингиз йўқ-ку, — дедим домлага тасалли бермоқчи бўлиб.

— Барибир-да, ота-оналар болаларини бизга ишонтишган.

Домла шу бўйи яна тўрт-беш кун кўриши бермади. Директордан нажот кутаётган болалар бизга термуларди:

— Эрта-индин домла келиб, ҳаммамизни олиб кетади, далада пахта қолмади-ку, — деймиз кун бўйи давом этадиган сурункали меҳнатдан зериккан болаларни овутиш учун.

— Шогирд, дунёда адолат бор экан, ҳақиқат ҳали яшаяпти, — деди кечга томон шийпонга кириб келган домла кўлидаги газетани силкитиб. — Мана, ўқиб кўр, болаларга ҳам ўқиб бер.

Домланинг кўлидаги газетани оламан: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг янги сони. Буқланган саҳифада катта, қалин ҳарфлар билан битилган сарлавҳани ўқийман: «Қалбнинг оппоқ дафтари».

— Ўткир Хошимовнинг мақо-

ласи. Шу ёзувчига қойилман, дилига келганини ёзади-қўяди, — деди Сафар малим ҳаяжонини яширолмади.

Мақолада бир туман ижроқўми раисининг қачонлардир ўзига сабоқ берган мактаб директори ўқувчилари кунлик пахта терими режасини бажармагани учун тўйхонада, кўпчиликнинг олдидан ноўрин изза қилган саҳнаси ҳам бор эди. Шу сатрларни ўқиганимда:

— Кўрдингми, ўзимизни ёзган, — деди домла кипригида ёш қалқиб.

Ўқитувчининг қалби тоза бўлади, йиллар давомида ўғил-қизлар билан ишлаб ўзи ҳам болафеълга айланади. Қишнинг изғиринида кўнишиб шийпонга қайтган болалар домлани ўртага олишди:

— Бизни қачон олиб кетасиз?

— Катталардан сўраб кўрай, жавоб беришса, мошин олиб келаман.

Уч кундан сўнг домла ўқувчиларни интизор қилган учта юк машинасини ёллаб келди:

— Ҳали ҳашарчиларга жавоб берадиганга ўхшашмайди. Болаларнинг ўлкасини совуққа олдиригандан, сўроқсиз қишлоққа қайтганимиз маъқул, ёмонлик қилишса мени жазолашар, — деди Сафар домла бизга.

Икки юк машинасига болаларни, биттасига кўрпа-тўшакларини ортиб, тун қоронғусида қишлоққа кириб келдик. Кейинчалик эшитишимизча, райком бюроси йиғилишида домлага ўзбошимчилиги учун ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилишган экан. Йиллар ўтиб Сафар домланинг ҳаётини фалсафасини англагандай бўламан. Адолат унинг пешаси бўлган экан. Шу боис ҳалигача қишлоқда ростгўй одамлар ҳақида гап кетганида, окса-ю ёш биринчи навбатда Сафар Атақовни эслашади.

Абдунаби АБДИЕВ

Авалло, устозларнинг улуғлишига сабаб уларнинг отамиздек меҳрибон, онамиздек мушфиқу муштипар, ўзидаги бор билим ва яхши хислатларни шогирдларига синдиришида деб биламан.

## «Шум бола»нинг устозлари

Ўқувчилик йилларим Тошкент шаҳридаги 11-мактабда ўтган. Бошланғичда Ирисали Мирвалиев, юқори синфларда Меҳрибон опа, Туроб ака ва яна кўплаб фидойи муаллимлар таълим-тарбия бериб, дунёни англашимиз, фикрлаш даражамизнинг юксалишида бекиёс ҳиссаларини қўшган.

Талабалик давридан то ҳозиргача устозлик қилиб келаётган Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов, хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мунаввара Абдуллаева олдида ҳам шогирдлик қарзим бисёр. Умуман, кимки ҳаётда нимадир ўргатган бўлса, барчасини устоз деб биламан. Бу борада ҳазрат Навоийнинг:

«Кимки бир ҳарф ўргатиши ҳақ йўлида ранж ила, Айламоқ бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила» деган бебаҳо ўғити шиоримга айланган.

Байрам муносабати билан устозларимни эслаш, қутлаш ва уларга сўз айтиш имконияти туғилганидан хурсандман. Ўтиб кетганларининг охирати обод, қолганлари соғ-саломат, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиб юрсин. Шу даражага етишимда заҳмати сингган барча табаррук инсонларни ушбу айём билан муборакбод этаман.

Абдураим АБДУВАҲОБОВ,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган артист

## Касбга меҳр

35 йилдан буён она тили ва адабиёт фанларидан дарс бериб келаётган Маҳбуба опа Иброҳимова ўз касбининг фидойиларидан. У ёшларга сабоқ бериш билан бирга, улар оннга миллий қадриятлар, миллий руҳни синдиришга эътибор беради. Дарслар ноанъанавий тарзда ўтилади.

Маҳбуба опанинг ташаббуси билан тез-тез баҳо-мунозара кечалари, мушоиралар, давра суҳбатлари уюштирилади. Талабаларнинг вилоят, республика миқёсида ўтказиладиган танловларда фахрли ўринларни эгаллашида, шунингдек, олий ўқув юрти талабаси бўлишида ҳам опанинг хизмати катта. Нуфузли илм масканларида ўқийдиган шогирдлари ҳар гал таътилга келишганида опани кўрмасдан, дуосини олмасдан кетишмайди.

Халқ таълими аълочиси М.Иброҳимова ҳавас қилса арзигулик оила бекаси ҳамдир. Турмуш ўртоғи Мўмин ака Усмонов билан 5 фарзандни ўқимишли, меҳнаткаш қилиб тарбиялашди. Қизлари филолог, ҳамшира, ўғиллари технолог, муҳандис, кенжа ўғли ота изидан бориб шифокор бўлди.

Опахоннинг 60 йиллик юбилеи, иш фаолиятининг 35 йиллик тўйи касб байрамига уланиб кетди.

Феруза БОБОХОНОВА

## Ҳавас ва

Субҳнинг майин еллари унинг оқ оралаган сочларини сийпалаб ўйнай бошлади. У тонгни хуш кўради. Шу боис қишлоқ аҳли уйғонмасдан туриб, хаёлларга берилганча кенг далада сайр қилишни канда қилмайди. Секин одимлаб борар экан, меҳнат ва қувончга омикта ўтган умри кўз олдида гавдалана бошлади...

Айниқса, сентябрдан мактабга боришга ўрганиб қолганлиги учунми кузнинг бошлариданок, бетоқат бўла бошлади. Жамоага, ўқувчиларга ўрганиб қолган кўнгил тўполонларига қандай жавоб беришга ҳам ҳайрон. Ахир, ҳар кунининг, ҳаётининг ярми бўлиб қолган илм масканини тарк этиш осонми? Нима ҳам дерди, умр оқар дарё. Бир вақтлар ярим хароба бинода ўқиб, кечалари зўрга ёритадиган чироқ олдида дарс тайёрлаб юрган бўз бола эди.

Бир воқеа ҳеч эсидан чиқмайди. Ҳали мактаб ёшига тўлмасдан туриб, биринчи синфга борди. Ушанда таълим даргоҳининг сеҳрли тафтини ҳис этган, партада ўтириб, китобларни варақлаб кўрган эди. Бу ёқда эса онаси уни зир югу-

риб излаганча мактабга борди. Углининг у ердалигини кўриб бир қувонди, индамасдан кетиб қолганидан эса газабланди. Ушанда у онасига роса ялинди. Шу-шу онаси ҳам унинг қизиқлиқларига панд беришни хоҳламади шекилли, ўзидан биринчи катта болалар билан синфдош бўлиб қолди. Аввалига мактабнинг узоклиги сезилди, кейинчалик унга ҳам ўрганиб кетди. Ушандаёқ жажжи қалбида ўқитувчи бўлишни орзу қилар, дарс ўтишни антикиб-антикиб миёсида жонлантирарди. Бу гўё эртақ қаҳрамонларининг ўрнида бўлиб, саргузаштлар оламига шўнгигандек таасурот қолдирарди. Кейинчалик ўқишга кириш ниятида шаҳарга йўл олди, унга оқ йўл тилаб кузатиб қўйишди.

# ЮЗИНГИЗДАН, УСТОЗЛАР

**Сарлавҳага кўзингиз тушиши билан атоқли ёзувчининг шу номдаги ҳажвий ҳикояси хаёлингизга келиши табиий. Биласиз, Абдулла Қаҳҳор ҳикояси қаҳрамони ҳамиша баланд пардаларда гапирди, лекин адабиётдан ёшларга чуқур таълим бериш у ёқда турсин, даҳо ёзувчиларнинг номларини ҳам чалқатириб юргувчи, кичик ҳарфнинг каттасидан фарқи ҳақидаги саволга қаттиқроқ айтилгани катта бўлади-да, деб жавоб бергувчи шахс. Бундайлар кечаги кунда бўлган, лекин мустақиллик даври адабиёт муаллимларининг аксарияти қомусий билимга эга мутахассислар десак, янглашмаймиз.**

## АДАБИЁТ МУАЛЛИМИ

Бугунги ўқитувчи билими ва савияси ўсиб бораётганини бизнинг Хоразм мактаблари ва олий даргоҳлари ўқитувчилари мисолида ҳам кўриш мумкин. Мактаб ва коллежлар, олий ўқув юртли кечаги кундагидан кескин фарқ қилади. Глобаллашув вазиятида ўқув даргоҳларининг фаолияти тубдан ўзгариб, ўқитувчилар савияси юксалди.

Ўзим ишлаётган Хоразм педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқув машғулотида турли ёшдаги ўқитувчилар ўзаро фикр алмашар экан, бугуннинг йўриғи бошқа эканлигини айтишди.

Уларни тингларканман, тажрибали ўқитувчи Мунаввара Салоева кўз ўнгимга келади. Хоразм педагогика олийгоҳида талабаларга билим берган опанинг шогирдлари вилоятимиз, ҳатто республикамиз илм-фани ва маданияти тараққиётига ҳисса қўшмоқда. Яқинда талабалар билан бўлиб ўтган учрашувда Мунаввара опадан таълим олган таниқли адиб Эркин Самандар устози ҳақида шундай деди:

— У дарсликка қараб маъруза ўқийдиганлар сирасига кирмас эди. Ўзи ўқиган, яхши билган адиблар ҳаёти ва ижоди ҳақида қизиқарли ҳикоялар, хотираларини тўлқинлашиб гапириб беради. Асарларимизни устозга кўрсатиб маслаҳат олиб турардик.

Урганч давлат университетида талабаларга таълим бераётган устозлар орасида опанинг кўпгина шогирдлари бор. Улар опа экан илм-маърифат гулшанидан униб чиқиб, улкан боққа айланган азим чинорлардир.

**Зулфия ЯЪҚУБОВА,**

**Хоразм вилоят педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқитувчиси**

**Маърифат улашиш сулоламиз вакиллари учун ҳаёт мазмунига айланган. Бобом Фозил Саидов туманимиздаги биринчи ўқитувчилардан ҳисобланади. Кечки мактаблар ташкил этиб, элнинг саводини чиқаришда фаол иштирок этган.**

## «ИЗИНГИЗДАН ЮРСАМ ДЕЙМАН...»

Ҳозир мен ишлаётган мактабнинг биринчи директори бўлган. Зиёли ва юксак маънавиятли бобомиз умрининг охиригача педагогик касбини улуғлаб яшади. Икки фарзандини ҳам ўқитувчилик касбига йўналтирди. Онам — Махсума Саидова отаси ташкил этган мактабда ёшларга билим берди. Минглаб шогирдларнинг сеvimли устози бўлди. Сўнгги васияти ҳам «болаларингиз ҳам ўқитувчи бўлсин» деган сўзлар бўлди. Холам Фазолат Саидова Ромитан туманига келин бўлиб тушгач, ўқитувчилик касбини давом эттирди.

Отам Наим Набиев физика-математикадан ёшларга сабоқ берарди. Шогирдларининг

кўпчилиги отамга эргашиб, аниқ фанлар мутахассиси бўлиб етишди. Улар айна кунда республикамизнинг турли ҳудудларида ўз ишининг фидойилари сифатида меҳнат қилишмоқда. Шогирдларининг отам ҳақида «энг зўр ўқитувчимиз эди» деган сўзлари қалбимда фахр уйғотади. Бобом, ота-онамининг изларидан юргим, улардек элда азиз бўлгим келиб, ўқитувчилик касбини танладим.

Зулфия опам, унинг турмуш ўртоғи ва уч фарзанди ҳам шу касбнинг нонини ҳалоллаб ейишмоқда. Турмуш ўртоғим ва ўғлим ҳам педагог. Синглим Венерани ўқитувчилар оиласига узатганмиз. Унинг фарзандлари ҳам ўқитувчи

бўлишга аҳд қилган. Икки укамнинг хотини ҳам ўқитувчи. Қувончлиси, катта бир сулола сифатида бир вақтлар бобом барпо этган

мактабда ишляпмиз. Ҳамма сулоламизга ҳавас қилади.

Мақтабимиз бобом, онам ишлаган даврдан бунунга бутунлай ўзгарган. Барча қулайликка эга замонавий синфхоналарда ўқувчиларга сабоқ берарканман, аждодларим экиб кетган эзгулик дарахтининг бир шохи эканлигини эслаб, дилдан қувонаман. Йўли эзгуликка туташ барча устозларни ва сулоламиз вакиллари касб байрамлари билан қўтлайман. Маърифат нури кўнглингиз ва ҳаётингизни равшан қилсин.

**Лутфия НАБИЕВА,**  
**Шофиркон туманидаги 18-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси**

## «ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ...»

**Сабоқ қанчалик қийин бўлмасин, агар ўқитувчи моҳир бўлса, болада қизиқиш уйғота олади. Яхши ўқитувчи болани илм олишдан бездирмайди. Ўқитувчилик касбини бекорга игна билан қудуқ қазिशга ўхшатишмаган.**

Кечагина пойтахтдан малакамни ошириб қайтдим. Турли вилоятлардан келган ҳамкасбларим тажрибасини ўргандим. Амалий ва назарий сабоқлардан бугунги ўқитувчи замон билан ҳамнафас, оламда рўй бераётган воқеалардан хабардор бўлиши кераклигини билиб олдим. Менимча, яхши ўқитувчи маънавий етук, сиёсатдон, спортни, муסיқани, айтилиқ, футболни яхши билиши ке-

рак. Ахир қаршингизда ашаддий футбол муҳлиси турган бўлса, футбол ҳақида айтган бир оғиз беписанд сўзингиз унинг сизга бўлган хурматини сўндиради. Ўқувчиларим билан бирга қўшиқ айтиб, бирга футбол ўйинларини киноларни муҳакама қиламиз. Уларнинг қизиқиши, оиласи, соғлиғи ҳақидаги маълумотларни «беш қўл»дай ўрганаман.

«Ўқитувчилик — шам-

дек эриб, одамларга зиё улашишдир», дейдилар онам Мушарраф Жумаева. 45 йил мактабда ишлаб, эл-юрт хурмати ва ҳукумат эътиборига тушган бу фидойи зот, ўқитувчи ҳеч қачон ўқувчисига беписанд қарамаслиги, унинг ижобий қизиқишига рағбат, салбий интилишларига барҳам бериш кераклигини ўқтиради.

Қолаверса, раҳматли қайнотам — Ҳалим

Ҳамидов ўқитувчининг касб масъулияти, бурчи ҳақида кўп сабоқ берган.

Бугун ўқувчиларимнинг камолини кўриб, меҳнатларим зое кетмаётганидан севинаман. Биринчи ўқувчиларим аллақачон олийгоҳларни тугатиб, элга наф келтирадиган бўлишди. «Устоз» деб гул кўтариб келишса, бошим осмонга етади. Шунда муаллимлик дунёга эзгулик сочмоқ эканлигига яна бир карра ишонаман.

**Матлуба ТҲҲОЖОНОВА,**  
**Зарафшон шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари**

## ИШТИЁҚ



Онасининг умидвор, айна пайтда гурур балкиб турган кўзлари шиддат билан интилишига туртки бўлди. Қарши давлат педагогика институтининг (ҳозирги университети) физика-математика факултетига ўқишга кирди. Бу давр унинг ҳаётида жуда катта мактаб бўлди. Ҳали чекка ҳудудларга илм-фан чуқур кириб бормагани, бу йўлда жуда кўп меҳнат қилиш лозимлигини англади. Шу боис институтга ишга кириш, илмий иш ёқлаш ҳақидаги таклифларга қарамай, Деҳқонобод туманининг Оқтош қишлоғига қайтди.

Бироз таъмирланган кадрдон мактабда ўқитувчилик қила бошлади...

«...Синфга кирдим. Биринчи марта дарс беришим эди. Юрагимда қандайдир ҳаяжон. Роса тайёрланган бўлсам-да, худди эсимдан чиқиб кетаётгандек бўлаверди. Болаларга нигоҳим тушгач, баттар довдираб қолсам керак, деб ўйлагандим. Аммо бундай бўлмади.

Болалар нигоҳидаги соддаликка қоришиқ ҳавас ва иштиёқни кўриб вужудимда бир кучни ҳис қилдим. Ва айна пайт-

да ўзим ҳам педагог бўлишим учун ҳавас ва иштиёққа тўла йўлни босиб ўтганимни, бундан кейин ҳам бу ҳислар кучли тўлқин бўлиб давом этишини англадим. Менда ишонч уйғонди.

Биласизми, у пайтлар болалар бир қадар содда эди. Бунга балки ахборот алмашувининг тезкор эмаслиги, тараққиётнинг робот ҳислари одамлар онгини эгаллаб олгани сабабдир. Хуллас, негадир уларга дарс ўтиш осондек эди. Шу билан бирга, уларни ҳозирги ёшлардек зукко ҳам дея олмасдик. Муҳими, уларда зўр интилиш, юқорида айтганимдек иштиёқ мавж урарди».

Орадан йиллар ўтди. Ўқитувчилар орасида у чўрткесарлиги, ҳақиқатпарастлиги билан ажралиб турарди. Ким бўлишдан қатъи назар адашаётган одамнинг хатосини тушунтирар, имкон қадар ёрдам қўлини чўзарди. Қишлоқ болаларининг илмли, олий маълумотли бўлишини жудаям истарди. Буни ота-оналарга тушунтириб чарчамасди. Шу одати учунми кўпчилик уни хушламагандай бўларди. Аммо кейинроқ қишлоқ аҳли унинг ниятини англаб өтди.

Кўпгина шогирдларини Қаршидаги педагогика институтига етаклаб бориб, ўқишга киришида мадад бўлди. Йиллар ўтиб, улар ҳам ўқитувчилик қила бошлади, «устоз» дея ардоқлашганда ҳамма чарчоқлари тарқалгандек бўларди.

Дарвоқе, етти нафар фарзандининг ҳам сеvimли отаси, ҳам қаттиққўл устозига айланди. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай ўғилларини туман марказидаги ихтисослашган мактабда ўқитди. Катта ўғли Тошкент давлат техника университетида кирганда, боладай қувонди. У яна бир орзуси — фарзандларининг Тошкентда олий маълумотли бўлишига эриша бошлаганди. Айримлар: «Қийналиб турибсан, ёнингга олсанг, чорвани кўпайтирсанг бўлмайди, ортиқча харажат қилишинг шартми» дея ақл ўргатгандай бўлишди. Лекин... Кейин иккинчи, учинчи, тўртинчи ўғли пойтахтда ўқиди. Бирин-кетин нуфузли ишларга жойлаша бошлашди. Қизлари ҳам хунар эгаллашди. Барча қийинчиликлар ортда қолди.

«...Баъзан: «Касбим охири мени касал қилади, ҳар хил характердаги болаларга дарс бериш жонимга теғди» деган пайтларим ҳам бўлди. Лекин

умримнинг зое кетмаётганлиги, шогирдларимнинг ёнимда дарс бера бошлагани, фарзандларимнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаётгани кўнглимга қувончу таскин беради.

Ўткинчи қийинчиликларда ҳам собит туриб, ўзинга нисбатан ишончингни йўқотмай танлаган йўлингизда давом эта олсанг, келажагингиз мустақам пойдевор қўйган бўласан. Ҳар ёмоннинг бир хайрли томони бор деганларидек, қийинчиликлар ҳам аслида юксалишинг учун нарвон вазифасини ўтайди. Чунки инсон қийинчиликларга учрамаса, изланишга мажбур бўлмаса, фаолияти сустлашади, танбаллашиб бораверади...

Ўтган кунларимни сарҳисоб қилиб, мазмунли умр кечирдим деб, бемалол айта оламан. Атрофимда чуқуллашаётган набираларим эса ишончимни янада мустақамлайди, дилим яйраб кетади...»

Ҳаётининг ҳар лаҳзасидан: қийинчилиги қувончидан рози бўлаётган бу киши — менинг отам. У истиқлол имкониятларидан фойдалана олаётганлиги, фарзандлари ҳам ўзи каби инсонлар бўлиб етишганлигидан жуда мамнун.

**Акмал ТОШЕВ**

**Касаба уюшма ходимларининг билим ва малакасини ошириш, жамоатчилик орасидаги фаолиятини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса тармоқдаги меҳнаткашларнинг ҳар томонлама ҳимоялашини таъминлашда қўл келади, албатта.**

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфдаги корхона ва ташкилотлар касабақўм раислари ва фаолларининг Бўстонлиқ тумани «Қизил сув» спорт-соғломлаштириш масканидаги уч кунлик ўқув-семинари ҳам шу мақсадга йўналтирилди.



кидлаб ўтди.

Семинар иштирокчилари томонидан фаол газетхонларни рағбатлантириш, тадбирларни ёритиш, реклама ва бошқа бир қатор масалалар юзасидан берилган саволларга атрофлича жавоб берилди.

— Тахририят билан учрашув бизда илиқ таассурот қолдирди. Табиийки, бундан буён ҳам

стол тенниси ва сузиш бўйича спорт беллашувлари ўтказилди. Бу эса, ўз навбатида, жипсликни, ҳамжиҳатликни янада кучайтиришга ёрдам бергани, шубҳасиз.

Энг муҳими эса, семинар баҳонасида ўзаро тажриба алмашув, янгиликлар билан ўртоқлашиш давом эттирилди. Семинарнинг сўнгги кунини мутахассисларнинг аъзолик афзалликларини асослаш, меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиш, касб касалликларига чалиниш ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари ҳамда

## Ҳамжиҳатлик ва юқори малака самарали фаолият гарови

Семинарнинг аҳамиятли жиҳати, бу касаба уюшмалари фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олишга ҳаракат қилинганлигидир. Шу билан бирга, иштирокчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини тиклашга ҳам эътибор қаратилди.

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Амонулло Иномов семинарни очар экан, иштирокчиларга ўқув-семинар доирасида ўтказилган учрашув ва тадбирлар фаолиятини янада ривожлантиришда қўл келишини таъкидлаб ўтди.

Ўқув давомида касаба уюшма соҳасида катта тажриба орттирган масъул ходим ва мутахассисларнинг «Тармоқ касаба уюшмаси тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларини тузиш ва ижросини назорат қилиш», «Касаба уюшма ташкилотларида миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ва спорт ишларини олиб бориш», «Касаба уюшма бюджетини режалаштириш ва тафтиш комиссиясини молиялаштириш», «Ўзбекистон Респуб-

ликаси меҳнат қонунчилигини амалиётда қўллаш тартиби» ҳамда «Тўй ва бошқа маросимларни замон талабида ўтказиш: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги маърузалар тингланди.

Шунингдек, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти жамоаси билан учрашув ҳам ўтказилди.

— Фаолиятимизни, умуман, касаба уюшмалари афзалликларини жамоатчиликка етказишда газеталарнинг ўрни ниҳоятда муҳим, — деди тармоқ касаба уюшмаси шаҳар кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Лола Исмамова. — Шу боис тахририят фаолияти билан яқиндан танишиш, ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олиш фойдадан холи эмас.

Бош муҳаррир ўринбосари Зайниддин Рихсиев йиғилганларга айни кунларда қизғин давом этаётган обунга бўйича афрофлича маълумот берар экан, унинг имтиёзли томонларини тушунтириб ўтди. Шунингдек, газета мазмун-мундарижасини бойитиш устида

тўхталиб, бунда бевосита касаба уюшма фаолларининг иштироки муҳим эканига эътиборни қаратди.

— Касаба уюшма фаолияти ва унинг афзалликларини одамларга етказишда тарғибот муҳим ўрин тутди. Агар тарғибот яхши йўлга қўйилса, иш ҳар жиҳатдан кутилган натижани беради. Шу боис газетамиз сизлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор. Ўз-ўзидан тушунарлики, тарғиботнинг таъсирчан бўлиши сизларнинг фаоллигингизга боғлиқ.

Газетанинг русча нашри бўйича бош муҳаррир ўринбосари Довуд Мадиев амалга оширилаётган янгиликлар ҳақида тўхталиб, жумладан, мумтоз адабиётимиз намояндлари ижодининг русча таржимаси бериб борилаётгани миллий қадриятларимизни тарғиб этишда муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганини таъ-



ҳамкорликни янада кучайтириш учун бор имкониятимизни ишга солаемиз. Фаолиятимизни, ўтказиётган турли тадбирларни ёритишда барчамиз фаол иштирок этишга ҳаракат қилаемиз, — деди Республика давлат солиқ қўмитаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Фуломжон Мусаев.

Шу кунини семинар иштирокчилари ўртасида шахмат, шашка, бийард, бадминтон,

санаторий, дам олиш уйларига йўлланмаларни режалаштириш, уларни ҳисобга олиб бориш ва ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан бериш тартиби хусусидаги маърузалар ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Акмал ТОШЕВ,**  
«Ishonch» мухбири.  
**Икром ҲАСАНОВ**  
олган суратлар

**Юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиғига эътибор қаратиш давлат аҳамиятига молик масалалардан биридир. Айниқса, Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши бу борада чуқур ислохотларни амалга ошириш имконини берди.**

## Соғлиқинг — бойлиқинг

матлик-2» лойиҳаси доирасида 25 та ҚВП, 4 та шаҳар оилавий поликлиникаларида 230 минг АҚШ долларилқ жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Қишлоқ врачлик пунктларида фаолият кўрсатаётган 167 нафар шифокор пойтахтимизда ташкил этилган 10 ойлик амалиёт курсларида таҳсил олиб, тажриба алмаштириш имконига эга бўлди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан бажарилаётган ишлар

қўлами кенгайиб бораётгани ҳам қувонарлидир. Жумладан, 20416 киши тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Ташхис натижаларига кўра, касаллиги аниқланган 9980 нафар фуқаронинг 92 фоизи соғломлаштирилди.

Вилоятдаги мавжуд ҚВПлари телефон, алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланиб, умумий амалиёт шифокорларини кенг жалб қилиш мақсадида барча туманларда васийлик кенгашлари тузилди. Мазкур кен-

гаш аъзолари томонидан ҚВПлар фаолияти таҳлил қилиниб, ҳар бири учун амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ушбу тадбирларда шифокорларга турар-жой ва ер участкалари ажратиш, врачлик пунктларини қорамол, парранда билан таъминлаш, уларга озуқа маҳсулотлари етказиб бериш масалалари афрофлича қамраб олинган.

Шунингдек, туман ва шаҳар тиббиёт бир-

лашмалари томонидан қишлоқ врачлик пунктларига «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида 207,3 миллион сўм миқдоридида тиббий жиҳозлар ўрнатилди. Бугунга қадар келтирилган тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар 2 миллиард 600 миллион сўмликдан ошди.

Саломатлик побонларига яратилган қулайлик эл соғлиғи ва хотиржамлигини таъминлашга хизмат қилади, албатта.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**  
«Ishonch» мухбири



Сирдарё вилоятида 149 та қишлоқ, шу жумладан, 8 та шаҳар врачлик пункти аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда «Саломатлик-2» лойиҳасини ниҳоясига етказиш бўйича сўнгги ишлар бажарилмоқда. Шу

ўринда айтиш лозимки, «Саломатлик-1» лойиҳаси асосида вилоятдаги 121 та ҚВП 4,4 миллион АҚШ долларига тенг замонавий асбоб-ускуна, дори-дармон ва бошқа воситалар билан таъминланган бўлса, «Сало-

## **Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси**

### **Марказий кенгаши**

*Юртимиз аҳли ҳамда соҳа ходимларини  
Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан  
самимий муборакбод этади.*

*Таълим тизimini ривожлантириш,  
Келажакимиз бунёдкорларини баркамол этиб  
тарбиялашдаги эзгу ғояларга йўғрилган  
ишларингиз бардавом бўлсин. Эл-юрт  
манфаати йўлидаги фидокорона  
меҳнатларингиз янада ривож топсин.*


*Мустаҳкам соғлиқ, метин ирода, туганмас  
бахт сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.*

*Хонадонларимиздан тўкин-сочинлик,  
қут-барака, тинчлик-хотиржамлик  
аримасин.*

*Юксак шарафларга лойиқсиз, устоз,  
Сиз-ла шаклланди бизда тафаккур.  
«Куч — ақл, илмда» дегансиз, устоз,  
Бунинг-чун юракдан сизга ташаккур.*



**Тошкент шаҳар таълим ва фан  
ходимлари касаба уюшмаси кенгаши  
меҳридарё устозларни,  
жонкуяр муаллимларни  
касб байрами билан  
самимий муборакбод этади.  
Шогирдлар камолини кўриб  
юришдек бахт ҳар  
бирингизга насиб этсин.**



Кўқон минтақавий темир йўл узели касаба уюшма ҳудудий кўмитаси таркибиди 16 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларга 5219 нафар ишчи-хизматчи ҳамда 809 нафар талаба аъзо. Уларнинг ижтимоий ҳимоя ва маданий дам олишини ташкил қилиш мақсадида Фарғона водийси бўйича 2 та маданият саройи, «Локомотив» спорт мажмуаси, иккита шифохона, битта стадион, иккита болалар оромгоҳи, 12 та ишчилар ошхонаси фаолият юритмоқда.

## СОҲА МЕҲНАТКАШЛАРИ ЭЪТИБОРИМИЗДА

«Темирйўлчи» болалар оромгоҳида 2010 йил ёз мавсумида 1246 нафар темирйўлчининг фарзандлари дам олдирилди. Кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг 243 нафар болажонига йўлланмалар бепул берилди. Улар орасида Кўқондаги 12-ва 17-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам бор. Оромгоҳ иши тўрт навбатда ташкил этилди. Спорт майдони, кино-концерт зали, сув ҳавзаси, кутубхона, маънавият хоналари, ошхона, ювиниш хоналари мавсум олдиран тўлиқ таъмирланди.

Болалар ўртасида мусобақалар ўтказилиб, турли тўғарақлар мунтазам ишлаб турибди. Мавсум давомида спорт чемпионлари, фахрий темирйўлчилар билан учрашувлар ўтказилди. Цирк томошалари намойиш этилди.


Темирйўлчиларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 2 йиллик жамоа шартномаси қабул қилинган. Ундаги мажбуриятларнинг бажарилишини ҳайъат аъзолари назорат қилиб боради.

Жорий йилнинг 8 ойида 46 нафар темирйўлчимиз «Чимён» санаторийсида, 11 нафари «Хўжакент» дам олиш уйида ва 119 нафари «Назар-

бек» ҳамда «Сихатгоҳ» санаторий-профилакторийларда соғлигини тиклади.

Шу йилнинг 6 ойи давомида меҳнат таътили олдиран иш стажига мувофиқ ойлик иш ҳақи миқдорига моддий ёрдам кўрсатиб келинди. Шунингдек, фахрийларга 8 млн. 679 минг сўмлик, нафақага чиққанларга 92 млн. 855 минг, ётоқхонада яшаётганларга 16 млн. 697 минг, нафақадагиларга йилда бир марталик моддий ёрдам тариқасида 110 млн. 201 минг сўм, юбилей саналарига 45 млн. 996 минг, тиш протезларига 3 млн. 213 минг, яқин қариндоши вафот этганларга 75 млн. 761 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Ишчи-хизматчиларнинг соғлигини тиклашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Кўқон ва Андижон бекатларида бирлашган темир йўл шифохоналари бор. Кўқондаги шифохонада 110 ўринли стационар мавжуд бўлиб, бир кунда 380 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли поликлиника, Кўқон локомотив депоси ва Олтиариқ вагонларни буғлаб ювиш станциясида фелдшерлик тиббий пунктлари бор. 2008 йили шифохонада Европа услубида таъмирланган санаторий-курорт шароитига тенглаштирилган янги даволаш мажму-



аси ишга туширилган. Шу чоққача бу ерда 2032 нафар бемор соғломлаштирилди.

Кўп тармоқли темир йўл поликлиникасида эса тиббий аппаратлар ёрдамида барча касалликлар аниқланиб, амбулатория шароитида даволаш олиб борилади. 19 кўрсаткич бўйича таҳлил қилувчи гематологик, шунингдек, биохимевий ва иммунофермент анализаторлари, бепуштли сабабини аниқ кўрсатиб берувчи УЗИ аппарати, вирусли гепатитни бошланғич даврида аниқлаб берувчи ҳамда ОИТС инфекциясини экспресс тест усулида аниқловчи аппаратларда Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Новокузнецк шаҳарларида малака ошириб келган олий тоифали шифокорлар иш олиб боришмоқда.

Соҳа меҳнаткашларининг саломатлигини тиклаш ва дам олишида спортнинг ўрни беқиёс. «Локомотив» спорт клубида 4 та тўғарақ мавжуд: бокс, дзюдо, кўл жанги ва катта теннис. Уларда шуғулланувчиларнинг ярми темирйўлчиларнинг фарзандларидир.

**Баҳодир МАДАМИНОВ,**  
Кўқон МТУ касаба уюшмаси  
ҳудудий кўмитаси раиси

## Шаҳар ободончилиги йўлида

Мустақиллик йилларида ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларига катта аҳамият бериб келинмоқда. Бунда Фарғона водийси темирйўлчиларининг ҳам ҳиссаси бор.

Ўзбекистон Президентининг 2009 йил 19 октябрдаги «Кўқон шаҳрини индустриал ривожлантириш, ободонлаштириш ва инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши ижросини бажариш тадбирларида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг Кўқон минтақавий темир йўл узели корхоналари ҳам муносиб иштирок этиб келмоқда.



Қарордан келиб чиқиб, Кўқон вокзали олди майдони ва ҳудудлари қайтадан қурилиб, ободонлаштирилмоқда. Бу ердаги узелга қарашли икки қаватли маъмурий ва уч қаватли техник хизмат кўрсатиш биноси шу йил тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Вокзал яқинидаги Шоҳруҳобод ва Истиклол кўчаларидаги кўп қаватли 56- ва 80-уйларнинг фасади, томи замонавий меъморчилик усулида тўлиқ таъмирланди.

Шунингдек, вокзал биносининг архитектура кўриниши ўзгартirilмоқда. Вокзал олди майдонида иккита замонавий фаввора ва гулзор барпо этилапти. Реконструкция ишларида Кўқон темир йўл масофаси ҳамда локомотив депоси ишчилари фаол иштирок этишмоқда.

Темирйўлчиларимиз ҳукуматимизнинг Наманган шаҳрини ободонлаштириш борасида белгилаган тадбирларни амалга оширишда ҳам иштирок этишмоқда. У ерда «Сардоба» бозори атрофида кенг кўламли қурилиш ишлари бажарилди. Учта кўп қаватли янги бино бунёд этилди. Наманган шаҳар санъат коллежи ҳовлиси гиштли девор билан ўралиб, 150 ўринга мўлжалланган янги ошхона қурилди.

**Равшан РАҲИМКҮЛОВ,**  
«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Кўқон  
минтақавий темир йўл узели бошлиғи

## Болалар шифокори

Касб танлаш инсон ҳаётидаги энг муҳим қарорлардандир. Ҳаётнинг қандай кечиши шу қарорнинг ечимига боғлиқ. Баъзилар бунга жиддий ёндашадди, баъзилар эса ҳаёлан турли кўчаларга кириб чиқади.

тидаги бирлашган темир йўл шифохонасининг болалар бўлими шифокори Муқаддас Отажонова. — Қаерлардандир шприц топиб, кўғирчоқларга укол қилиб юрганимни уйдагилар ҳали-ҳануз қулиб эслашади. Аммо оиламизда шифокор бўлмаган.

Муқаддас тўртинчи курсга ўтганда, йўналиш танлашга тўғри келди ва болалар шифокори бўлиш орзусига қулоқ солди. Шундан кейин сўнгги икки курсни

Ўрта Осиё педиатрия институтига ўтиб ўқиди.

1974 йилда институтни битириб, йўлланма билан Кўқон шаҳридаги болалар шифохонасида иш бошлади. Бу ерда ишлаб юрар экан, темир йўл шифохонасининг доверуғи ҳақида кўп эшитарди. Охири 1982 йилда темир йўл касалхонасига ишга ўтди. Ўз касбини севган ва ишини яхши биладиган, болаларга меҳри балеанд М.Отажонова тезда тажрибали

шифокорлардан бирига айланди. Орада беш йил болалар бўлимини бошқарди ҳам.

Муқаддас Отажонованингни яна бир фазилатини айтиб ўтсак. У водий темирйўлчиларининг болалари ёз мавсумида дам оладиган «Темирйўлчи» оромгоҳига шифокор сифатида узлуқсиз 27 йил борган. Ўз оиласидан, болаларидан ортиб, ҳар ким ҳам бу фидойиликни қила олмайди.



Муқаддас Отажонова эса Дангара туманидаги мактабни имтиёзли битириб, ҳеч иккиланмай Тошкентдаги тиббиёт институтига ҳужжат топширди ва талабалик бахтига муяссар бўлди.

— Болалигимдан шифокор бўлишга қизиқардим, — дейди ҳозирда Кўқон бека-

## Касбидан обрў топди

Мўминжон одатдагидек эрта тонгда ишга кетмоқчи бўлиб турганди. Шу пайт телефон жириглаб қолди. Кўнгироқдан бир оз сергақланиб, тинчликмикан дея гўшакни кўтарди. Ундан: «Мўминжон ака, табриклайман. «Шухрат» медали билан тақдирланибсиз» деган овоз эшитилди. Хушхабардан ҳали ўзига келмасидан ҳамкасблари, ошна-оғайнилари ва қариндошларининг кетма-кет қутловларидан ҳаяжонланиб кетди. Меҳнатнинг таги роҳат, деб бекорга айтишмаган экан. Унинг камтарингина меҳнати Юртбошимиз томонидан тақдирланганидан қалби қувончга тўлди.

Мўминжон Нурматов Кўқон шаҳрининг Қиялисой маҳалласида темирйўлчи оиласида ўсиб-ўлғайди. Отаси Ҳамид ака Фарғона темир йўлининг юк ташиш бўлимида бош кондуктор бўлиб ишларди. У отасига ҳавас қилиб, «катта бўлсам темирйўлчи бўламан», деб орзу қилар эди.

1976 йилда мактабни аъло баҳоларга битириб, ўқишни Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг автоматика-телемеханика ва алоқа (АТК) факультетида давом эттирди.

1981 йили ўқишни битиргач, Ховос

алоқа ва сигналлаштириш масофасига электр механиги бўлиб ишга кирди. Орадан бироз вақт ўтгач, ҳарбий хизматга чақирилди. Қайтгач, Кўқон алоқа ва сигналлаштириш масофасида ишини давом эттирди. Корхонанингни малакали мутахассиси Шавкат Тағриевга шоғирд бўлиб, касб сирларини чуқур ўрганиб борди.

М.Нурматов 2002-2006 йилларда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК алоқа ва сигналлаштириш Маркази-



Айниқса, янги йўллар қурилишидаги оптик толали алоқаларни ўрнатиш ва ишга туширишда муносиб ҳисса қўшди.

Ишчанлиги, юқори малакаси, талабчанлиги учун 2006 йилда компания раҳбарияти томонидан М.Нурматов Кўқон минтақавий темир йўл узелига бош муҳандис этиб тайинланди. Ҳозирда бу вазифани ҳам муносиб бажариб келмоқда.

— Темирйўлчилар жамоасининг

ўзига хос одати бор: бирга ишлаб, бирга дам олишади. Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз томонидан «Шухрат» медали билан тақдирланганим мен учун кўшалок байрам бўлди. Ҳамкасбларим, дўстларим қутлаб келиши. Темирйўлчи бўлганимдан, шу касб орқали эъзоз топганимдан хурсандман, — дейди Мўминжон Нурматов.

Мўминжон ота касбини олиб, сулола давомчиси бўлган бўлса, унинг оиласидагилар ҳам бу аънанани давом эттиришмоқда. Турмуш ўртоғи Шарифахон ва қизи Ферузахон Алоқа ва сигналлаштириш масофасида электр механик, қизи Дилфузахон темир йўл шифохонасида ҳамшира, ўғли Акмал эса Кўқон темир йўл масофасида йўл монёри. У келгусида Тошкент темир йўл муҳандислари олийгоҳига ўқишга кириб, отасига муносиб давомчи бўлмоқчи.

**Саҳифани Адҳам ДАМИНОВ**  
тайёрлади.  
Муаллиф олган суратлар

## Фарғона вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

Умумхалқ байрами —  
Ўқитувчи ва мураббийлар  
куни билан йўли эзгуликка  
туташ устозларни самимий  
муборакбод этади.

Таълим тизимида фидокорона меҳнат  
қилиб келаётган тармоқ ходимларига  
мустақкам соғлиқ, шарафли ишларида  
муваффақият тилайди.

Келажаги буюк Ватанимиз равнақи  
йўлидаги меҳнатингиз ўзининг ширин  
меvasи билан дилингизни жушнуд этиб,  
эл-юрт олқишига сазовор бўлсин!

Шогирдлар камолини кўриш  
барчангизга насиб этсин!

Байрамингиз муборак,  
азиз ва мўътабар устозлар!

Вилоят кенгашимиз ижтимоий шерикчилик асосида фаолият юритиб, маърифат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилмоқда. Касб байрамини жойларда кенг нишонлаш мақсадида вилоят ҳокимининг тадбир режасига асосан халқ таълими бошқармаси билан ҳамкор-

ликда алоҳида дастур ишлаб чиқилди.

Таълим муассасалари, касбхунар коллежи, олий ўқув юртларида баркамол авлодга таълим-тарбия бериб келаётган 75319 нафар тармоқ ходими ва профессор-ўқитувчи учун байрам тадбирлари ташкил этилаётир. «Ўзбекнаво» эстрада

бирлашмаси ҳамда жойлардаги маданият уйлари жамоалари томонидан концерт дастурлари намойиш этилади.

«Устоз ва мураббийлар, Сизларни шарафлаймиз!» байрам тадбирида иштирок этадиган фахрий ва фаол устозлар учун вилоят кенгашининг махсус совгалари тайёрланди.

**НАВОИЙ ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ**  
Баркамол авлодни тарбиялашдек заҳматли ва эзгу  
ишга ҳаётини бағишлаган меҳридарё, фидойи ва  
олийҳиммат муаллимларни, йўли эзгуликка туташ барча  
устоз ва мураббийларни умумхалқ байрами —  
Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан муборакбод этади.  
Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат,  
хонадонларингизга файзу барака тилайди.  
Умрингиз маърифат нуриддек ёруғ ва безавол бўлсин.

Чекиш соғлиқ учун зарар эканлигини ҳамма билади. Хозирда барча тараққий этган давлатларда тамаки чекишга қарши кескин тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётгани бежиз эмас. Ҳатто кўзланган натижага эришилмоқда — чекиш «мода»дан қолмоқда. Мамлакатимизда ҳам бу борада сезиларли ишлар қилинапти. Аммо тан олиш керак, бугун катта ёшдаги эркакларнинг деярли ярми чекаётган бўлса, аста-секин аёллар ҳам қўшилиб бораёттир. Энг ачинарлиси, бундай зарарли одат балоғат ёшига етмаган ўсмирларимиз орасида ҳам урф бўлаётганидир.

«Бир грамм никотин отни ўлдиради» иборасини эшитмаган киши бўлмаса керак. Аммо бир дона сигарет таркибида никотиндан ташқари сув, карбонат ангидрид, қатрон, полоний элементи, акролеин (грекча «аччиқ ёғ»), азот оксидлари, матенол, метан, ацетон, аммиак каби 4000 та, тамаки тутунида эса 5000 га яқин кимёвий бирикма мавжуд бўлиб, булардан тахминан 60 таси саратонни келтириб чиқарар экан.

кур сигаретлар сифатсиз бўлиб, хавфсизлик талабларига мутолақ жавоб бермас экан. Албатта, айбдорлар қилмишига яраша жазага тортилган, истеъмолга яроқсиз тамаки маҳсулотлари йўқ қилинган. Бироқ юртимиз бозорларида бу каби сифатсиз тамаки маҳсулотлари билан савдо қилаётган «уддабуронлар» ҳамон учрамоқда.

Бугун бутун дунёда соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш учун кураш кетмоқда. Тадқиқотлар шунини кўрсатмоқдаки, чекишни ташлаётганларнинг кўп қисмини зиёли табақа вакиллари ташкил қилмоқда. Чекмаслик зиёлилик, маданият, кучли ирода белгисига айланиб борапти.

Этибор қаратиш мақсадида БССТ 31 майни «Бутунжаҳон сигаретдан воз кечиш куни» деб эълон қилган эди.

БССТнинг маълумотига таяниб айтадиган бўлсак, бугунги кунда қарийб 1 млрд. одам мунтазам равишда сигарет чекади. Шунинг 20 фоизи аёллардир. Доимий сигарет чекувчи эркаклар сони аёлларга нисбатан 4 баравар кўп бўлса-да, чекувчи аёллар сони ортиб бораётгани ташвишланарлидир. Айниқса, 10-20 йил олдин миллий маданиятимизга зид бўлган, ахлоқсизлик саналган бу одат ўзбек аёллари орасида ҳам «замонавийлик»нинг кўриниши сифатида намоён бўлаётганига нима дейсиз? Шарқда ҳеч бир замонда чекаётган аёлга ижобий муносабатда бўлинмаган. Аёл деганда, биринчи навбатда, кўз олдимизга она келади. Чекаётган аёллар бу одати билан нафақат ўзини, балки келажак авлодни ҳам захарлаётганини унутмаслиги керак. Америкалик олимлар чекувчи онанинг зурриёди бепуштлиқ касали билан туғилишини исботлашди.

— Аёлларнинг аксарияти ҳомилдор бўлгач, сигарет чекишни ташлашади, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Тоҳир Иброҳимов. — Бироқ бу болага зиён етмайди дегани эмас. Тамаки аёл қонига сингишга улгуради ва қондан озуқа олаётган бола ҳам бу «насиба»дан бебахра қолмайди. Соғлом она — соғлом фарзанд, демакдир. Бу ҳақиқатни унутишга асло ҳаққимиз йўқ.

Сўровлардан маълум бўлишича, аксарият ўсмир йигитлар қизларга ёқиб мақсадида чекишар экан. Лекин қизлар диққатига сазовор бўлиш учун чекиш шарт эмас. Аксинча, кўпчилик қизларга тамакининг ёқимсиз ҳиди анқиб турадиган йигитлар ёқмайди. Ўз навбатида, эркаклар ҳам чекадиган аёлларни хуш кўришмайди.

«Чексам, кинофилмлардаги тамаки чекадиган аёллар сингари башанг ва чиройли кўринаман», деб ўйлайдиган қизлар ҳам учрайди. Аслида, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компаниялар кўпроқ харидор қақриш учун кинога катта миқдорда пул ажратишар экан. Киноактрисаларнинг аксарияти фақат сценарий бўйича чекишади.

Баъзи ўсмирлар «чекишни ташлашдан осони йўқ, бугун-эрта кўнгилхушлиқ қиламиз-да, кейин ташлаймиз», деб ўйлашади. Ҳақиқатда эса, киши чекканда бош миёда моддалар мувозанати бузилиб, тамакига ўрганиш (боғланиб қолиш) пайдо бўлади ва одам вақти-вақти билан эҳтиёж сеза бошлайди. Бундай кейин чекишни ташлаш анча қийин бўлади.

Бугун ён-атрофда сигарет тутатаётган ёшларни (аксар 18 ёшга етмаган) кўришга кўникиб қолдик. Ёки йўл-йўлакай чекиб кетаётган аёл эндиликда ҳеч кимни ажаблантирмай кўйди.

Чекаётган ёшлар ўта жиддий муаммо. Нафақат тиббий, балки ижтимоий муаммо ҳамдир. Ҳомилдор аёлларнинг чекишини эса жиноятга тенглаштириш мумкин.

Шундай экан, чекувчиларга бу иллатдан бутунлай халос бўлишни маслаҳат берган бўлардик. Ўзингизни никотинсиз сигаретлар, зарарли моддаларни ушлаб қолувчи «сехрли муштук»лар билан алдашга уринманг. Шунчаки, сўнгги сигаретингизни четга улоқтиринг. Сўнг жудаям тоқат қилолмасангиз, сақич чайнанг ёки конфет сўринг. Тўғри, шу чоққача ўрганиб қолгангиз сигаретчалик «кайф» бермас. Лекин энди танангиз зўриқмайди, юракда енгиллик ҳис қиласиз.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,  
«Ishonch» муҳбири

# Бир йўтам заҳар

Маълумотларга қараганда, юрак қон-томир хасталигидан вафот этаётган беморларнинг учдан бир қисмини чекувчилар ташкил этар экан. Мазкур касаллик йилига миллионлаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлади. Ўз навбатида, саратонга чалиниш эҳтимоли чекувчиларда соғлом турмуш тарзига одатланган кишиларга қараганда 15-20 баробар ортқ экан.

Англия шифокорлари иттифоқи бир дона сигарет умрни камиди 5-6 минутга қисқартиришини исботлашди. Кўнига 10 тадан ортқ сигарет чекувчи киши, ихтиёрий равишда ўз умрини 6 йилга қисқартирар экан. Ачинарлиси, чекувчи жар ёқасига бориб қолганини сезмайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, сигарет чекиш жараёнида никотин нафас йўллари орқали қонга кўшилади ва 8 сониядан сўнг бош миёга таъсир ўтказиб бошлайди. Дастлаб асаб тизимидаги жараёнларни кўзгаёйди (жонлантиради), кейин эса тўхтади. Никотин юрак уришини тезлаштиради, қон томирларини торайтиради ва артериал босимнинг кучайишига олиб келади. Кашанданинг сутка давомидидаги юрак торайиши чекмайдиган одамга нисбатан 15-20 минг марта кўп. Бундан ташқари, кашанданинг юраги чекмайдиган одамга нисбатан бир кунда 1500 литр кўп қон ҳайдайди. Оқибатда, юрак толиқади ва бу баъзан ўлимга олиб келувчи юрак касалликларига сабаб бўлади.

Никотин билан бирга қатрон ҳам ўтади ва у ўпка деворларига «ўтириб» қолади. Агар «кашанда қатронни қошиқлаб ейди» дейилса, унчалик муболага бўлмайди. Кўнига бир қўти сигарет чеккан киши бир йилда 700 грамм қатронни «ейди».

Аниқланишича, кашандалик иш берувчилар учун ҳам зарар келтирар экан. Француз компанияларидан бири «Гудьир» кашандалар туфайли йилига 2 млн. АҚШ долларини ютқазайтганини ҳисоблаб чиқди.

Хусусан, кашандалар иш вақтининг 6 фоизини чекишга сарфлар экан. Этибор беринг, АҚШдаги «Юниград» фирмаси 2 мингдан ошиқ ишчисига чекишни тақиқлаганидан сўнг бино тозалигини сақлашнинг ўзидан ойига 500 доллар иқтисод қилишга эришган.

Хўш, бизда аҳвол қандай, деган савол туғилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонунининг 23-моддасида (2010 йил 17 сентябрда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан сўнг) «Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алкогольли

ичимликлар рекламаси тақиқланади, шу жумладан:

Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар намуналарини текин тарқатиш;

Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларнинг номи, товар белгиси ёхуд тасвирдан фойдаланиладиган тadbирларга ҳомийлик қилиш;

Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларнинг номи, товар белгиси туширилган товарларни (футбол майкалари, бош кийимлар, ўйинлар ва бошқа шу кабиларни) тарқатиш, шу жумладан, сотиш;

Савдо объектларининг олд томонида, кириш (транспортда кириш) жойларида, витриналарида, ташқарига олиб чиқиладиган предметларида ҳамда бошқа жойларида тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларнинг тасвирлари, номларини ва улар ҳақидаги бошқа ахборотни ўрнатиш тақиқланади» дейилади.

— Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Тамакига қарши кураш конвенцияси» (2003 йил) бир қатор чеклов чораларининг босқичма-босқич амалга оширилишини талаб қилади, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот хизмати раҳбари Фурқат Санаев. — Шунингдек, жамоат жойларида тамаки чекишнинг бутунлай йўқ қилинишига эришиш, бу турдаги маҳсулотлар рекламаси ҳамда сотувини жонлантиришнинг бошқа шакллари тақиқлаш, тамаки саноатини давлат сиёсатининг шаклланиш жараёнига таъсир ўтказишининг олдини олиш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Президентининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ҳақида»ги Қарорига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Алкогол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини чеклаш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши соғлом ва баркамол авлод тарбиясидаги муҳим қадам ҳисобланади ҳамда фуқаролар соғлигини ҳимоя қилиш борасидаги давлат сиёсатини белгиловчи мавжуд қонунчилик базасини тўлдиради.

Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмоли оқибатида келиб чиқадиган касалликлар ва ўлим ҳолатларининг қисқариши, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тезлашуви, пировардида, соғлом турмуш тарзининг ошишини таъминлайди.

БССТ (Бутунжаҳон соғлиқни


сақлаш ташкилоти)нинг ушбу конвенциясига қўшилиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2004 йилда «2005-2010 йилларда кашандаликка қарши кураш Миллий дастури» лойиҳаси ишлаб чиқилган эди.

Шу муносабат билан вазирлик томонидан Бутунжаҳон банки кўмагида «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида уй бекалари ҳамда турли тиббиёт муассасалари беморлари орасида кашандаликнинг тарқалиш даражасини ўрганиш бўйича тадқиқот ўтказилди.

Тадқиқот натижалари ва БССТ Конвенциясига асосланиб, «Ўзбекистон Республикаси тамакига қарши кураш Миллий дастури» ишлаб чиқилди ва кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Бош прокуратура ҳузуридидаги Солиқ ва валютага оид жиноятлар, жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Сирдарё вилояти бошқармаси ходимлари томонидан қуйидаги ҳолат аниқланди. Янгиер шаҳрида яшовчи Б.Шукуров ҳамда Б.Аҳмедов ноқонуний равишда мамлакатимиз ҳудудига акциз маркаси 48480 қўти, жами 43 632 000 сўмлик «Рипе» сигаретларини олиб киришган. Сирдарё синови ва сертификатлаш маркази давлат қорхонасининг хулосасига кўра, маз-





**Бир кунни у мактаб спорт залига кириб, болаларнинг машғулотни устидан чиқди.**

**Қизиқиб, мураббийдан бир оз шу жараённи кузатишга изн сўради.**

**Мураббий ажабланганини яшира олмай, бош ирғаб қараб қўйди...**

## Орзулари осмон қиз

Орадан кўп ўтмади. Мен ҳам спорт билан шуғулланмоқчиман. Таркибингизга оласизми, деб келганида мураббий дарҳол уни таниди. Мана орадан қанча вақт ўтибдики, мақоламингиз қахрамони Махфуза Абдуллаева спортнинг турон яккакураши билан шуғулланиб келади. Бугунга келиб унинг ўзи тажрибали мураббий.

Махфуза Абдуллаева 1988 йил Тошкент тумани Қизгалдоқ қишлоғида туғилди. Саккиз ёшлигидан турон яккакураши билан мунтазам шуғулланиб келади. Шу ўтган давр мобайнида бир неча бор вилоят ва республика мусобақаларида шохсупанинг юқори поғоналарини банд этиб, устозлари ишончини оқлади.

Мактабни муваффақиятли та-

момлагач, 2005-2008 йилларда Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежининг жисмоний тарбия бўлимида таҳсил олди. Ўқиб юрган кезлари «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида миллий кураш бўйича иштирок этиб, совриндорлар қаторидан жой олди. Махфуза айна пайтда Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббийлик қилмоқда. Махфуза Абдуллаеванинг меҳнатлари тез орада бўй кўрсатди. Шогирдлари орасидан икки-уч йилдан буён республика биринчиликлари, халқаро турнирлар ғолиблари ҳамда Осиё чемпионлари вояга етди.

— Ниятларим катта, — дейди суҳбатдошимиз. — Ўзбекистон-

да спортни, хусусан, хотин-қизлар спортини ривожланишига ўз хиссамни қўшиш. Ҳаётдаги ширим ҳам шунга ҳамоҳанг: Соғлом она — соғлом бола. Қачонки, она соғлом бўлса, туғилажак фарзанд ҳам баркамол бўлади. Баркамол авлод эса миллат таянчи.

Ҳа, айтганча, бир неча иқтидорли шогирдлари турли даражадаги мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлиб, устоз ишончини оқламоқда. Масалан: Умида Толипова (Осиё биринчилиги ғолибаси), Шаҳноза Сакиева (Ўзбекистон чемпиони), Азиз Шокиров (Осиё биринчилиги совриндори), Раҳмонали Содиқалиев (ёшлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги ғолиби) сингари умидли ёшлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

**Жўрабек Зоиров Чирчиқ шаҳридан. Спортга бўлган меҳр уни оғир атлетика тўғрисида етаклаб келди. Биринчи устозлари Зифар Бибирцов ва Пётр Сичёвдан оғир атлетиканинг илк сир-асрорларини кунт билан ўрганди. Турли спорт тадбирларида қатнашиб, устозлари ишончини оқлади. Мактабни аъло баҳоларга тугатгач, 1998 йили ёшлар ўртасида ташкил этилган Ўзбекистон биринчилигида ғалаба қозониб, Чирчиқ олимпия билим юртини оғир атлетика бўлимига имтиёзли равишда ўқишга кирди. Коллежда эса унга малакали мураббий Рафик Дганиш устозлик қилди.**



## Тиним билмас мураббий

Шу ўртада бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, халқаро турнирлар ғолиби, Осиё кубоги ва биринчиликларида муваффақиятли иштирок этиб, спорт устаси бўлди. Бу эса унга 2004 йилда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг оғир атлетика факултетига имтиёзли равишда ўқишга кириш имконини берди. Айнан шу йили ўз устидан тинимсиз ишлашга одатланган Жўрабек Чирчиқ олимпия захиралари коллежининг оғир атлетика бўлимига мураббий бўлиб ишга кирди. Хоҳиш бўлса вақт топилади, деганларидек, бир томондан ўқиш, иккинчи томондан иш. Вақт тўғри тақсимланса, барчасига улгуриш мумкин, деб таъкидларди у.

Тинимсиз изланишнинг самараси бўлса керак, ортидан шогирдлари ҳам бўй кўрсатиб қолди. 2006 йили Алишер Абдуллаев Хоразмда ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида иккинчи ўринни қўлга киритиб, спорт усталиги талабини бажарган бўлса, яна бир шогирди Уйғун Жабборов учинчи ўринни қўлга киритди. 2007 йили Чирчиқда ташкил этилган Ўзбекистон чемпионатида катталар ўртасида Алишер Абдуллаев чемпионликка эришди. Уйғун Жабборов, Турсунбой Абдумаликов, Рустам Зоиров ва Рустам Раҳметовлар совриндорлар қаторидан жой олди. 2008 йилда ҳам Ислон Раҳметов, Ислон

Ашуров, Алишер Абдуллаев, Уйғун Жабборовлар Ўзбекистон биринчилиги, халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашиб, совриндор бўлди.

2009 йил Жўрабек Зоиров учун омадлик келди. У Чирчиқ олимпия захиралари коллежида катта мураббий сифатида фаолиятини давом эттирди. Қолаверса, коллежда аъланага айланган «Йилнинг энг яхши мураббийи» танловида ғолиб деб топилди.

Ўтган йил мусобақаларга бой йил бўлди. 10-13 декабр кунлари Тошкентда бўлиб ўтган оғир атлетика бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Бобкин Арутюнянц хотирасига бағишланган халқаро турнир муваффақиятли ташкил этилди. Унда Ж. Зоиров шогирдларидан А. Жўраев (85 кг.) ва Ш. Умирзоков (42 кг.) биринчи, Р. Раҳметов (77 кг.) ва Ш. Султонов (69 кг.) иккинчи ҳамда С. Курбонов (+94 кг.) ва Максим Ким (50 кг.) учинчи ўринларни банд этди. Бундан ташқари, 16-24 декабр кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ташкил этилган Осиё чемпионатида вакилларимиз Нурсултон Ибрагимов (77 кг.) биринчи, Улуғбек Алимов (77 кг.) ва Ихтиёр Ашуров (+105 кг.) иккинчи, Муҳаммад Юсупов (85 кг.) учинчи ўрин соҳибига айланди.

17-21 феврал кунлари Чирчиқ шаҳри мезбонлик қилган

1993 йилда туғилган ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон биринчилигида Жўрабекнинг иқтидорли шогирдлари Хуршид Рисқимов (56 кг.), Шавкат Умирзоков (42 кг.) ва Муҳаммад Юсупов (85 кг.) шохсупанинг биринчи поғоналарига лойиқ топилди.

Ёшлар ўртасида илк бор ташкил этилаётган Сингапур йўлланмаси учун ўтказилган Осиё чемпионати ҳам бир қатор ёш полвонларни синовдан ўтказди. Унда Чирчиқ олимпия захиралари коллежи тарбияланувчилари Муҳаммад Юсупов (85 кг.) Осиё чемпионлигини қўлга киритган бўлса, Н. Ибрагимов (77 кг.) еттинчи, И. Раҳметов (+105 кг.) учинчи, И. Ашуров (+105 кг.) га бешинчи ўрин насиб этди.

13-16 май кунлари ёшлар ва катталар ўртасида ҳамда Республика олимпия захиралари коллежлари ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида ҳам Жўрабек Зоировнинг шогирдлари муваффақиятли қатнашди. Бундан ташқари, жорий йилнинг 16-26 июл кунлари Иордания давлати мезбонлик қилган Осиё кубоги баҳсларида А. Абдуллаев (62 кг.), М. Юсупов (85 кг.), Н. Ибрагимовлар (77 кг.) биринчи, С. Дўстмуродов (69 кг.) иккинчи ва А. Жўраев (85 кг.) учинчи ўринларни банд этишди. Умумжамоа ҳисобида ёшлар ўртасида мамлакатимиз спортчиларига тенглашадигани бўлмади.

## Спортимиз келажаги

### Ўн уч ёшлик чемпион

Эндигина 13 ёшга қадам қўйган Азамат Файзуллаев Корея Республикасида 11-13 ёшлилар ўртасида спортнинг таэквандо WTF йўналиши бўйича ўтказилган «EXPO — 2010» фестивалида қатнашиб, 60 дан ортиқ мамлакатдан юзга яқин ёшлар ва ўсмирлар қатнашган мусобақадан олтин медални қўлга киритди.

— Юртимиз байрогини кўтариб, арена бўйлаб югурар эканман, мустақил Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан бениҳоя гурурландим, — дейди Азамат қувончини яшира олмай. — Бешолти ёшлигимдан чемпион бўлиш орзум эди.

Азаматни отаси Отабек Исломов кўлидан етаклаб, спорт тўғрисида олиб борганида тўққиз ёшда эди. Тажрибали мураббий Сайёра Зухриддинова ка-

ратэ сирларини шогирдига пухта ўргатди. Интилиш ва тинимсиз машқлар ўз самарасини кўрсатди.

— Уғлимнинг кўплаб дипломлари, шода-шода медаллари бор, — дейди онаси Дилафруз Жабборов ва фахрланиб. — Унинг халқаро фестивалда ғолиб бўлганлигини эшитиб, кўзларимга ёш келди.

**ИЗЗАТ ХИКМАТОВ,**  
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

## Фахрийлар — фахримиз

### ФИДОЙИ

Абдурашид полвон Мирзаевни танимаган спорт ишқибоз бўлмас керак. Кураш бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон чемпиони, юзлаб курашчиларнинг устози бўлмиш чироқчилик бу инсон 2003 йилда «Абдурашид полвон Мирзаев» кураш клубини очди. Ортада қолган даврда шуғулланувчилар сони ортиб бориб, бугун уларнинг сони 120 дан ошди. Шундан 20 нафари қизлар.


Шиддату шижоати ёш йигитларниқидан қолишмайдиган отахон сўнгги икки йил давомида шогирдлари билан Жанубий Корея ва Францияда ташкил этилган миллий ўйинлар халқаро фестивалида қатнашиб, миллий спорт туримизни бутун дунёга тарғибу ташвиқ бўлишига ўз улушларини қўшди. Бир-биридан чиройли усулларни кўрган фестивал иштирокчилари ғайратдан қарсақ чалиб юборишди...

— Юртимизда спортга, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга катта эътибор берилаётгани мени руҳлантиради, — деди отахон. — Энг муҳими, залимизга боласини олиб келувчилар кўпаймоқда. Бу — янги чемпионлар вояга етмоқда деганидир.

**Акмал АБДИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

## Таэквандо WTF ПОЙТАХТИМИЗ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА МЕЗБОН

Ўзбекистон бугунги кунда дунё миқёсидаги катта-катта спорт мусобақаларини ўтказишга мезбонлик қилишда нафақат Осиёда, балки жаҳонда ҳам ўз ўрнига эга бўлиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу каби йирик мусобақаларнинг Ўзбекистонда ўтказилиши турли халқаро спорт ташкилотларининг бизга бўлган ишончи ва эътирофининг яққол ифодасидир.



Жорий йилнинг 8-10 октябр кунлари пойтахтимиз яна бир нуфузли спорт ажиуманига мезбонлик қилади. Хабарингиз бўлса, баҳор ойларида Мексиканинг Тихуана шаҳрида таэквандо WTFнинг 21 бош ассамблеясида мазкур чемпионатга номзодлик қилиш учун даввогар 10 та номзод давлат орасидан Ўзбекистонга бахт қўши қўнганди.

Ҳозирги кунда ушбу мусобақага мамлакатимиз спортчилари махсус жадвал асосида сўнгги тайёргарлик машғулотларини ўтказишга япти. Унга бир гуруҳ малакали мураббийлар жалб этилган. Ёз ойларида Кореянинг Донкок университети ходимлари спортчиларимизга таэквандо WTFнинг пумсе йўналиши бўйича сабоқ берган эди. Бугунги кунда пумсе бўйича жаҳон ва Корея чемпиони Ли Минг Хён бошчилигида машғулотлар давом эттирилмоқда.

Чемпионатда дунёнинг 62 давлатидан 700 га яқин таэквандо усталари қатнашиши кутиляпти.

Эслатиб ўтамиз, мазкур чемпионат бу сафар бешинчи бўлса-да, Ўзбекистонда илк бор ташкил этилмоқда. Бундан аввал, Жанубий Корея биринчи ва иккинчи, Туркия давлати учинчи, Миср Араб Республикаси эса тўртинчи жаҳон чемпионатида мезбонлик қилган эди.

**Саҳифани Нарзулла МАХАМОВ тайёрлади.**

**Қашқадарё вилоят таълим  
ва фан ходимлари касаба  
уюшмаси кенгаши**

*соҳа ходимларини*

*1 октябр — Ўқитувчи  
ва мураббийлар куни билан  
табриклайди.*

*Фарзандларимизни комил  
инсон қилиб тарбиялашдек  
машаққатли ва  
масъулиятли ишларингизда  
улкан муваффақиятлар  
ҳамиша йўлдош бўлсин.*

*Сихат-саломатлик,  
қут-барака сизларни  
ҳеч қачон тарк  
этмасин.*



## Газетхон наҳми

## Отадай улуғдир...

Отадай улуғдир устоз деган ном,  
Унинг ҳар бир сўзи — олтин қонда.  
Пири комилларга чексиз эҳтиром,  
Темур ҳам мангуға устоз пойида.

Устоз манглайдан таралар зиё,  
Фахр этар улуглар билан Ватаним.  
Беруний, Фарғоний, Форобий, Кубро,  
Аҳмад Яссавийлар устозим маним.

Назмда — Навоий, тибда — ибн Сино,  
Муҳаддислар ичра Бухорий устоз.  
Замахшарий — лисон илимида танҳо,  
Ал-жабр сингари Хоразмий мумтоз.

Энг оғир дамда ҳам вазмин ва ўқтам,  
Сабр ила матонат дарсин ўтарлар.  
Эзгулик улашиб дилларга ҳар дам,  
Истиқболга гул ва мева тутарлар.

Ҳаёт уммонида бамисли маёқ  
Йироқларга назар ташлайди устоз.  
Содик шоғирдларга бергани сабоқ,  
Дунёни етаклар эзгуликка боз.

Мирза ҚАЙНАРОВ,  
Сирдарё вилоят, Сардоба тумани

## Кўргазма

Яқинда Тошкент Фото уйида франциялик сураткаш Пол Надарнинг «Туркиядан Туркистонгача, 1890» кўргазмаси очилди. Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмадан сураткашнинг 1890 йили Кавказ ва Марказий Осиё бўйлаб қилган сафари чоғида олинган репортаж жанридаги асарлари жой олган. Ушбу фотоларнинг Франция маданият вазирлиги архивларида сақланиб қолган қадимий негативлари замонавий технология асосида босиб чиқарилган.

## Санъат — дўстлик элчиси

Пол Надар 1856 йили Парижда таниқли сураткаш, «Надар» лақабли Гаспар-Феликс Турнашон оиласида туғилган. Отаси замонавий ёзувчи ва санъат вакиллари (Балзак, Вагнер, Бодлер ва бошқалар) портретларини яратган.

Пол Надар 1890 йили Тошкентдаги Бутунжаҳон кўргазмасига етиб келиш учун саёҳатга отланади. Айнан мана шу саёҳат кўргазма мавзуси қилиб олинган. Мазкур репортаж фотография тарихида илк бор яратилган энг йирик асар ҳисобланади. Уларнинг ҳужжатли, тарихий ва этнографик жиҳатла-

ри алоҳида бадий аҳамият касб этади.

Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази билан ҳамкорликдаги ишлар яна давом этади. Икки халқ маданият арбоблари тажриба алмашиши учун қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистонлик ёш истеъодлар учун бу ўз маҳоратини мукамаллаштириш, янги ижод қирраларини кашф этиш ва халқаро алоқаларни йўлга қўйишда қулай имкониятдир.

Шерзод АБДУСАМАНОВ,  
«Ishonch» муҳбири

## «Устоз ижодкорлар» айланма кроссворди

Куйида таърифлари баён этилган ижод соҳиблари номларини шаклда белгиланган хонадан соат миля йўналишида рақам атрофига ёзиш билан билимингизни синаб кўринг.

1. Мумтоз мутафаккир шоир, «Шоҳнома» дostonи муаллифи. 2. Ўзбек мумтоз мутафаккир шоири, хамсанавис. 3. Маърифатпарвар шоир, «Илм иста», «Гимназия» асарлари муаллифи. 4. Ёш Алишер ижодига юксак баҳо берган, мумтоз лирик шоир. 5. Ўзбек мумтоз газалнавис шоира-си. 6. «Зарбулмасал» нодир асарини ёзиб қолдирган ижодкор. 7. Алишер Навоийга «Газал мулкининг султони» таърифини берган атоқли шоир ва олим. 8. Озарбайжон мумтоз газалнавис шоири. 9. «Шарқ Арастуши», «Муаллими соний» номлари билан машҳур бўлган ўрта аср алломаси. 10. «Саёҳатнома» асарини ёзиб қолдирган ўзбек маърифатпарвар шоири. 11. XV аср охири, XV I аср бошларида яшаб ижод этган

тожик адиби, «Бадое ул вақое» («Ажиб воқеалар») асари муаллифи. 12. Нодирага устозлик қилган маърифатпарвар, газалнавис шоира. 13. «Девони ҳикмат» асари муаллифи, Ўрта осиелик шоир ва мутафаккир. 14. Зулфия, Нодира каби шоиралар портрети, ватанимизнинг санъат қозоналарини монументал асарлари билан безаган устоз мўйқалам устаси, Ўзбекистон халқ рассоми. 15. Ўрта аср ҳисоб ва фалакиёт илмлари билимдони, Ўрта Шарқнинг илк академияси — «Байт ул-Ҳикма» («Донлар уйи»)га раҳбарлик қилган аллома. 16. Ўзбек романчилигига асос солган атоқли ижодкор. 17. XV аср охири, XVI аср бошларидаги Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон тарихини акс эттирган «Ҳабиб ус-сийар» («Турмуш тавсифлари дўсти») асрини ёзиб қолдирган шарқ тарихчиси. 18. Мамлакатимизда жадидчилик ҳаракати намояндalarидан бири, «Падарқуш» асари муаллифи. 19. Ота-бобоси шахрисабзлик бўлган,

Ҳиндистонда яшаб ижод этган шоир ва олим, беш юз минг байтга яқин шеърый мерос қолдирган хамсанавис ижодкор. 20. Ўзбекистон халқ шоири, Ватанга муҳаббат мазмунидаги асарлар муаллифи. 21. «Девону луғотит турк» асарини ёзиб қолдирган ўрта аср тилшунос олими, ватандошимиз. 22. Ўзбек шеърыйатида қасида жанрига асос солган XV аср шоири, «Улуғбек мадҳи» қасидаси муаллифи.

«УСТОЗЛАР МАДҲИ»  
МУАММОНОМАСИ

Авалло куйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.

1. Ўрта аср қомусий алломаси Абу Али ибн Синога илк сабоқни ўргатган замонасининг етук билимдони, мураббий — 8, 9, 10, 2, 7, 2, 4.

2. Илм-фаннинг турли соҳаларида ижод этган, «Ернинг қуёш атрофида айланишидан фасллар ҳосил бўлади», «Ер юзиде иқлимларининг турлича бўлишига сабаб-Кўёш нурларининг турлича бандлик билан таъсир этишидир» — кашфиётларини ёзиб қолдирган ўрта аср олими — 13, 6, 19, 1, 2, 8, 2, 4.

3. «Қариликка қасида» асарини ёзиб қолдирган форс-тожик мумтоз, мутафаккир шоири — 24, 23, 21, 6, 20, 2, 4.

4. Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган «Зафарнома» асари муаллифи, ўрта аср муаррихларидан бири — 22, 9, 1, 2, 4, 5. Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобурлар ҳомийлигида фаолият олиб борган, Ҳирот миниатюра санъати мактабининг бетакрор намояндаси, Саъдийнинг «Бўстон» асарига чизилган ноёб суратлар муаллифи — 5, 16, 12, 11, 9, 21.

6. Ҳиндистон мамлакатига илк бор ғарбдан Ҳинд океани орқали кемада ташриф буюрган сайёҳ олим, «Ҳиндистон сафарномаси» асарини ёзиб қолдирган ватандошимиз — 17, 6, 1, 6, 24, 14, 6, 8, 21, 2, 4.

7. «Жумоюннома» асарини ёзиб қолдирган ўрта аср шарқдаги ягона тарихчи аёл, Бобурнинг фарзанди — 15, 23, 7, 5, 6, 21, 6, 8, 5, 16, 15, 2, 1.

8. Туркистонда жадидчилик ҳаракати намояндalarидан бири, янги усулдаги мактаблар учун дарсликлар ёзиб қолдирган маърифатпарвар — 1, 23, 6, 8, 18, 18, 6, 24, 14, 9, 24, 2.

9. Элементар ва олий математика фанлари бўйича ўзбек тилидаги энг биринчи дарслик муаллифи, атоқли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби — 14, 9, 24, 2 — 8, 2, 3, 11, 2, 4.

Энди калит сўзлари жавоблари асосида шаклнинг ўрта қисмидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб, муаммонгани ҳал этинг. Бунда улардан Бузруғмехр номи билан танилган шарқ доғишмандига мансуб ҳикматлардан бирини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ

Газетанинг навбатдаги сони  
5 октябр, сешанба куни чиқади.



МУАССИС:  
Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси

Бош муҳаррир:  
Абдуҳолик  
АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

Алла Долженкова,  
Анвар Юнусов,  
Довуд Мадиев  
(Бош муҳаррир  
ўринбосари),  
Жаҳонгир Шарофбоев  
(масъул котиб),  
Маъмура Адилова,  
Мирзохид Содиков,  
Нормамат Аллаёров,  
Носирхон Акбаров,  
Ойсулув Нафасова,  
Пиримкул Қодиров,  
Соғиндиқ Ниетуллаев,  
Шамси Эсонбоев

Бизга кўнғироқ қилинг:

Котибият: 256-52-78  
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.  
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди.  
Бичими А-3.  
Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,  
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.  
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг  
сешанба, пайшанба  
ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри  
таҳририят нуқтаи назаридан  
фарқланиши мумкин.  
Нашримиздан кўчириб  
босилганда «Ishonch»дан  
олинганлиги кўрсатилиши шарт.  
Тижорат аҳамиятига молик  
материаллар (h) белгиси  
остиде чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида  
чоп этилди. Корхона  
манзили: «Буюк Турон»  
кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб:

Ж.Шарофбоев

Навбатчи:

Н.Махамов

Мусахҳих:

С.Шодиева

Саҳифаловчи-  
дизайнер:  
Ҳ.Абдуҷалилов

Босишга топшириш  
вақти - 21.00  
Топширилди - 21.55

Буортма Г— 851

Тиражи: 11449

ISSN 2010-5002

2 3 4 5